



ПАРРАНДАЧИЛИК СИРЛАРИ

Парранда зотлари
Парранда касалликлари
Паррандаларни асраш
Парранда гўшти
Озуқа рацион
Инкубация
Тvхvм



ПАРРАНДАЧИЛИК СИРЛАРИ

*(Уй паррандалари - товуқ, ўрдақ, ғоз, курка парваришдаш
ва тухум етиштириш)*

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Рустам Қурбонов

«Meriyus» нашриёти
Тошкент — 2013

636.5

П-21

УДК: 636.61

ББК: 46.8

П - 21


Паррандачилик сирлари / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Рустам Қурбонов. - Т.: Meriyus, 2013 йил, 96 бет.

ISBN 978-9943-395-90-9

Ушбу қўлланмада паррандалар ва улар тухумларини етиштириш бўйича маълумотлар берилган.

Масъул муҳаррир:

Маҳмуда Абдуллаева



© "Meriyus" нашриёти, 2013

СЎЗБОШИ

Паррандачилик етти хазинанинг бири экани ҳақида ҳаммамиз эшитган бўлсак керак. Бугунги кунда у чиндан ҳам хазинага айланган. Давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилаётган бир пайтда бу соҳа тобора ривожланмоқда. Жумладан, товуқчилик билан шугулланаётган тадбиркорларимиз ҳам бошқалар қатори кам бўлмаётир.

Авваллари юртимизга паррандачилик маҳсулотлари четдан келтирилган бўлса, эндиликда ўзимизнинг тадбиркорлар томонидан етиштириб бериляпти. Бозорларимиз расталарида қаторлашиб турган товуқ гушти ва тухум маҳсулотларидан халқимиз истаган пайтларида олиб фойдаланаётирлар.

Тўғриси, сиз азизларга ушбу китобчани тайёрлар эканмиз, иш жараёнида паррандачилик ҳақидаги алоҳида китобларга кўзимиз тушмади. Бор материаллар ҳам чорвачилик ҳақидаги умумий қўлланмаларда қисқача маълумот сифатида келтирилган.

Хуллас, мазкур тўпламда парранда ва паррандачилик тўғрисида, уларни етиштириш, парваришlash ҳақида, тухум ва ўнинг фойдалилиги борасида сўз юритилади.

Ўйлаймизки, китоб тадбиркорларимизни, талабаларимизни, умуман, халқимизни дарслик ёки қўлланма сифатида қизиқтиради.

Зухра ҲАМДАМОВА, журналист

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Паррандаларнинг биологик хусусияти

Паррандачилик чорвачиликнинг сердаромад, серпушт ва тез етилувчан тармоғи ҳисобланади. У халқимизга кўплаб сифатли парҳез таом — тухум ва парранда гўшти етказиб беришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, товуқ, ўрдақ, роз ва куркачилик билан шуғулланувчи тармоқлари қишлоқ хўжалик паррандачилигининг асосий ва етук соҳаси ҳисобланади. Улардан қисқа вақт ичида кўп миқдорда мазали гўшт олинади. Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўшtidан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўшtidа 20% га яқин оқсил, 10-12% ёғ бўлади. Тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминлар комплекси кузатилади. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 донга товуқ тухуми 0,8 кг мол гўшtidа тўғри келади. Тухум таркибиде 85% га яқин сув бўлиб, қолгани соф оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухумнинг сариқ моддасиде 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсил бўлади.

Паррандачилик жуда тез етиладиган, тез кўпаядиган ва семириши учун кам озуқа сарфладиган чорвачилик тармоғи ҳисобланади. Масалан, товуқ жўжалари 5-6 ойлигиде тухумга киради ва биринчи йилда 150-200 та тухум беради.

Гўшт учун боқиладиган товуқ жўжалари 55-60 кун ичиде 1,5-1,8 кг семиради ва 1 кг семириши учун ўртача 2,6-2,8 кг озуқа сарфланади.

Ўрдақлар 50 кунлигиде вазни 2 кг.га етади ва бир йилда ҳар бош ўрдақдан 100-150 дондан тухум олиш мумкин.

Розлар 65-75 кунлигиде вазни 4-4,5 кг.га етади ва ҳар 1 кг семириши учун 4-4,5 кг озуқа сарфланади. Ҳар бир бош рознинг йил давомида берган насли ҳисобиде 70-75 кг ва куркалардан эсе 200 кг гўшт етиштириш мумкин. Уларнинг жўжалари 6 ойлигиде 5-6 кг келади. Айримлари эсе 8-9 кг ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Паррандаларнинг серпуштлиги уларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бўлиб, бир қанча факторларга ҳам боғлиқдир. Масалан, паррандаларнинг тури, зоти, ёши, боқиш усуллари, йилнинг фасли ва индивидуал хусусиятлари шулар жумласидандир.

Паррандаларда серпуштлик (тухум бериши)нинг ёшга қараб ўзгариши:

Парранда турлари			Ёшп (йил ҳисобида)				
			1	2	3	4	5
товуқ	тухум	ўртача(%)	270	230	197	169	148
	йўналишида		100	85,2	73,0	62,6	54,8
	гўшт-тухум	ўртача(%)	180	140	110	90	65
	йўналишида		100	77,8	61,1	50,0	36,1
ўрдak		ўртача(%)	110	120	90	80	60
			100	109	81,8	72,7	54,5
ғоз		ўртача(%)	40	50	65	60	30
			100	125	162,5	150	75
курка		ўртача(%)	90	96	85	68	34
			100	106,7	94,4	75,6	37,8

Паррандаларнинг тухум қилиши қиш ойларида сусаяди ва баҳорда эса жадаллашади. қиш вақтида олинган тухум миқдорини аниқлаш мақсадида 4 ой (ноябр-феврал ойлари) мобайнида етиштирилган тухумлар ҳисобга олинади. Паррандаларнинг биринчи тухум қилган кунигача ўтган вақт физиологик етилувчанлик даври деб аталади. Бу давр турли хил паррандаларда турлича: масалан, тухум йўналишидаги товуқларда 120-150 кун, гўшт-тухум йўналишидаги товуқларда 150-180 кун, куркаларда 220-320 кун, гўшт-тухум йўналишидаги ўрдakларда 200-260 кун, гўшт йўналишидаги ўрдakларда 280-330 кун ва ғозларда 250-330 кун бўлади.

Паррандаларнинг туллаш вақтига қадар берган тухум миқдори тухум бериш цикли деб аталади. Тухум бериш циклини аниқлаш учун хўжаликларда ҳисоб ишлари олиб борилади.

Парранда тухумларининг вазни уларнинг турига кўра ҳар хил бўлади. Масалан, товуқ тухумлари 55-62 г, ўрдak ва куркаларники 80-100 г, ғозларники эса 110-180 г келади.

...

Паррандаларнинг вазни алоҳида ва гуруҳ қилиб тарозида тортиб аниқланади. Лекин тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигида, гўшт йўналишидагилари эса асосий гуруҳга ўтказиш ёки гўшт учун сўйиш вақтида текширилади.

Паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида аниқланади: танасини шакли — формаси, кўкрак ва оёқ (сон)ларининг гўштдорлик хусусияти, гўштининг горти

ва сифати, танасидаги гўшт ва суяк миқдори ҳамда уларнинг ўзаро нисбати, гўшт учун сўйилган вақтидаги вазни ва ана шу даврга қадар бўлган ўсиш тезлиги ва бошқалар.

Кўплаб сифатли парранда гўшти етиштиришда ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикалари ва комплекслари салмоқли ўрин эгаллайдилар. Бу борада бройлер (гўштбоп) жўжа гўшти етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Бройлер гўшт йўналишидаги зот ҳисобланади. Бройлер ўзининг мазаси, лаззатли ва парҳез бўлиш хусусиятига кўра катта аҳамиятга эга. Тухумдан чиққан жўжа 55-65 кунлигига қадар жадал усулда боқилса, кифоя. Улардан 1 кг гўшт маҳсулоти олиш учун 2-2,5 кг омихта ем сарфланади.

Товуқларни гуруҳларга бўлишда уларнинг асосий маҳсулоти ҳисобга олинади. Масалан, тухум йўналишидаги товуқларнинг вазни 1,8-2,2 кг, ҳам тухум, ҳам гўшт йўналишидагиларники 2,5-3,5 кг ва гўшт йўналишидаги товуқларники 3,9 кг ва ундан кўпроқ келади.

Паррандаларнинг классификацияси ва турлари

Паррандаларни улардан олинадиган устивор маҳсулотга кўра классификация қилиш қабул қилинган. Товуқлардан олинадиган асосий маҳсулот тухум ва гўшт ҳисобланади. Шу боис товуқлар асосан 3 йўналишга бўлинади:

<i>Йўналиши:</i>	<i>Тухум</i>	<i>Тухум-гўшт</i>	<i>Гўшт</i>
<i>Вазни:</i>	1,8 — 2,2	2,5 — 3,5	3,9 ва ундан юқори
<i>Маҳсулдорлиги:</i>	270 ва ундан юқори	200	180 тагача
<i>Кунлик озуқалантириш:</i>	6 марта	5 марта	4 марта

Товуқлар маҳсулдорлиги ташқи тузилишига қараб серпушт, гўштдор серпушт ва гўштдор зотларга ҳамда зот гуруҳларига бўлинади.

Ўрдак зотлари ҳам гўштдор, гўштдор-серпушт ва серпушт йўналишдан иборат.

Курка ва ғозларнинг зотлари гушгдор типига киради.

Товуқларнинг ташқи кўринишига қараб унинг баъзи сифатларини аниқлаш мумкин. Тухум йўналишидаги товуқларни танлашда ҳаммамиз ҳам баъзан янглишамиз ёки ташқи кўринишига қараб унга қандай баҳо беришни билмаймиз. Қуйида биз туҳум йўналишидаги товуқни танлашда аҳамият берилиши лозим бўлган баъзи хусусиятларни кўриб чиқамиз.

*Тана аъзолари
Боши ва кўзлари*

Яхши товуқ
Ранги қизил. Пат-
лари қисман думалоқ
ва эътиборни тез
тортади, ранги оч са-
рикдан жигарранг-
гача. Кўзи оқ-қораси
аниқ ва тиниқ.

Ёмон товуқ
Ранги оч рангда.
Кўзи тиниқ бўл-
майди.

Тожи

Тожи оловранг ва
майин.

Тожи очранг, қуруқ,
қирралари аниқ аж-
ралиб гурмайди.
Узун, сарғиш.

Тумшуву

Ўткир, қалта, оз-
гина букилган. Жў-
жаларда сарик, то-
вуқларда ёрқинли-
гини йўқотган бўла-
ди.

Кўкрак

Гушгдор, кўкрак
суяклари деярли се-
зилмайди.

Озгин, кўкрак су-
яклари бўртиб чиқ-
қан.

Тери

Майин, юмшоқ, ёр-
қин, ёғи чиқмаган.

Қуруқ, қаттиқ, кў-
кимтир ва сарғиш
рангда, ёғи чиқиш
туради.

Оёқ

Кенг қадамли, жў-
жаларда ~~тўқ~~ сарик,
товуқларда оч сарик.

Х шаклида, орик ва
сарик.

Бел

Кенг ва узун.

Қисқа ва нозик.

Анал тешиги

Нам, юмшоқ, бур-
масиз, кўкимтир-оқ.

Қуруқ, сарик.

Патлари

Жўжаларда силлиқ
ва ёрқин. Товуқларда
алоҳида, дум патлари
ажралган.

Жўжаларда ёрқин
змас (матовый), ало-
ҳида ажралган. То-
вуқларда рангсиз,
тўзиган.

Қорни

Катта ва эластик,
гупкадек юмшоқ.
Юмшоқ ва эластик
тери билан қоп-
ланган.

Тортилган, қаттиқ ва
қупол тери билан
қопланган.


Яхши товуқни ёмонидан ажратишда уни қўлга олиб кўриш ҳам мумкин.

Товуқларнинг оёқлари ораси юмшоқ ва эластик бўлиши лозим. Оёқлари орасидаги масофа 2-3 бармоқни ташкил этиши керак. Бунда товуқнинг катталиги ва бармоғингизнинг қалинлигига ҳам аҳамият беринг.

Бундан ташқари, товуқнинг оёқлари текис бўлиши, клеш сингари "ичкарини кўрсатмаслиги" ($>$ $<$) лозим. Бундай товуқ тухум қўйишда қийналмайди.

Иккинчи эътиборли жиҳати шундаки, оёқлари асоси билан кўкрак асоси орасидаги масофа табиатан бир бармоқ кенглигида бўлади ва тухум қўйиш пайтида 3-4 бармоқ кенглигича кенгаяди.

Товуқ тухумдан қолганда унинг ташқи кўринишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Унинг қорни қаттиқлашиб, мунтазам кичрайиб боради. Буни қўйдаги тасвирда янада аниқроқ кўриш мумкин:



Товуқларнинг ташқи кўринишига қараб маҳсулдорлигини аниқлаш.

**I, II - яхши тухум берадиган товуқ.
III, IV - яхши тухум бермайдиган товуқ.**

Паррандаларнинг саноат асосида ривожланиши парранда зотлари структурасини ўзгартиради ҳамда уларнинг ихтисослаштирилган линия ва кросс (насл олишда фойдаланиладиган гибрид)ларидан фойдаланиш имконини туғдиради.

Масалан, тухум етиштириш учун асосан Леггорн зот товуқларининг турли мамлакатларда вужудга келтирилган ва генетик ишлаб чиқиши жиҳатидан ҳар хил кроссларидан фойдаланилади.

Лекин шуни қайд қилиб ўтиш керакки, кўпчилик чет давлатларда пўчоғи жигарранг бўлган тухумга эҳтиёж кўпроқ ва ушбу тухум оқ

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Паррандаларнинг биологик хусусияти

Паррандачилик чорвачиликнинг сердаромад, серпушт ва тез етилувчан тармоғи ҳисобланади. У халқимизга кўплаб сифатли парҳез таом — тухум ва парранда гўшти етказиб беришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, товуқ, ўрдак, роз ва куркачилик билан шуғулланувчи тармоқлари қишлоқ хўжалик паррандачилигининг асосий ва етук соҳаси ҳисобланади. Улардан қисқа вақт ичида кўп миқдорда мазали гўшт олинади. Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўшtidан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. Жумладан, 2 ойлик жўжа гўшtidа 20% га яқин оқсил, 10-12% ёғ бўлади. Тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминлар мавжуд. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 дона товуқ тухуми калорияси 0,8 кг. мол гўшти калориясига тўғри келади. Тухум таркибида 85% га яқин сув бўлиб, қолгани оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухум сариғи 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсиддан иборат.

Паррандачилик жуда тез етиладиган, тез кўпаядиган ва семириши учун кам озуқа сарфланадиган чорвачилик тармоғи ҳисобланади. Масалан, товуқ жўжалари 5-6 ойлиғида тухумга киради, биринчи йилда 150-200 та тухум беради.

Товуқ, ўрдақ, ғоз, курка

Гўшт учун боқиладиган товуқ жўжалари 55-60 кун ичида 1,5-1,8 кг. семиради, 1 кг. семириши учун ўртача 2,6-2,8 кг. озуқа сарфланади.

50 кунлик ўрдақлар вазни 2 кг.га етади, бир йилда 100-150 дона тухум олиш мумкин.

Ғозлар 65-75 кунлигида вазни 4-4,5 кг.га етади, ҳар 1 кг. семириши учун 4-4,5 кг. озуқа сарфланади. Ҳар бир бош ғознинг йил давомида берган насли ҳисобидан 70-75 кг., куркалардан эса 200 кг. гўшт етиштириш мумкин. Уларнинг жўжалари 6 ойлигида 5-6 кг., баъзан 8-9 кг. ва ундан ҳам оғирроқ бўлади.

Паррандаларнинг серпуштлиги уларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, бу бир қанча омилларга боғлиқ. Масалан, паррандаларнинг тури, зоти, ёши, боқиш усуллари, йилнинг фасли ва индивидуал хусусиятлари шулар жумласидан.

Паррандаларда серпуштлик (тухум берили)нинг ёшга қараб ўзгариши:

Парранда турлари			Ёши (йил ҳисобида)				
			1	2	3	4	5
товуқ	тухум йўналишида	ўртача(%)	270	230	197	169	148
			100	85,2	73,0	62,6	54,8
	гўшт-тухум йўналишида	ўртача(%)	180	140	110	90	65
			100	77,8	61,1	50,0	36,1
ўрдақ		ўртача(%)	110	120	90	80	60
			100	109	81,8	72,7	54,5
ғоз		ўртача(%)	40	50	65	60	30
			100	125	162,5	150	75
курка		ўртача(%)	90	96	85	68	34
			100	106,7	94,4	75,6	37,8

Паррандачилик сирлари

Паррандаларнинг тухум қилиши қиш ойларида камаяди, баҳорда эса жадаллашади. Қиш вақтида олинган тухум сонини аниқлаш мақсадида 4 ой (ноябрь-февраль ойлари) мобайнида етиштирилган тухумлар ҳисобга олинади. Паррандаларнинг биринчи тухум қилган кунигача ўтган вақт физиологик етилувчанлик даври деб аталади. Бу давр турли паррандаларда турлича: масалан, тухум йўналишидаги товукларда 120-150 кун, гўшт-тухум йўналишидаги товукларда 150-180 кун, куркаларда 220-320 кун, гўшт-тухум йўналишидаги ўрдакларда 200-260 кун, гўшт йўналишидаги ўрдакларда 280-330 кун, ғозларда 250-330 кун бўлади.

Паррандаларнинг туллаш вақтига қадар берган тухум сони тухум бериш цикли деб аталади.

Парранда тухумларининг вазни уларнинг турига кўра ҳар хил бўлади. Масалан, товук тухуми 55-62 гр., ўрдак ва курка тухумлари 80-100 гр., ғозники эса 110-180 гр. бўлади.

...

Паррандаларнинг вазни алоҳида ва гуруҳ қилиб, тарозида тортиб, аниқланади. Лекин тухум йўналишидаги жўжалар 150 кунлигида, гўшт йўналишидагилари эса асосий гуруҳга ўтказиш ёки гўшт учун сўйиш вақтида аниқланади.

Паррандаларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида

Товуқ, ўрдак, воз, курка

аниқланади: танаси шакли — формаси, кўкрак ва оёқ (сон)ларининг гўшtdорлик хусусияти, гўштнинг сорти ва сифати, танадаги гўшт ва суяк ҳамда уларнинг ўзаро нисбати, гўшт учун сўйилган вақтдаги вазни, ана шу даврга қадар бўлган ўсиш тезлиги ва бошқалар.

Сифатли парранда гўшти етиштиришда ихтисослаштирилган паррандачилик фабрика ва комплекслари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу борада бройлер (гўштбоп) жўжа гўшти етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Бройлер гўшт йўналишидаги зотдор тур ҳисобланиб, мазаси ва парҳезбоплиги билан катта аҳамиятга эга. Тухумдан чиққан жўжа 55-65 кунлигига қадар жадал усулда боқилса, кифоя. Улардан 1 кг. гўшт маҳсулоти олиш учун 2-2,5 кг. омихта ем сарфланади.

Товуқларни гуруҳларга бўлишда уларнинг асосий маҳсулоти ҳисобга олинади. Масалан, тухум йўналишидаги товуқларнинг вазни 1,8-2,2 кг., тухум-гўшт йўналишидагиларники 2,5-3,5 кг., гўшт йўналишидаги товуқларники 3,9 кг. ва ундан кўпроқ бўлади.

Паррандаларнинг классификацияси ва турлари

Паррандаларни улардан олинадиган маҳсулотга кўра классификация қилиш қабул қилинган. Товуқлардан олинадиган асосий маҳсулот тухум ва гўшт ҳисобланади. Шу боис товуқлар асосан 3 йўналишга бўлинади:

Йўналиши:	Тухум	Тухум-гўшт	Гўшт
Вазни:	1,8 – 2,2	2,5 – 3,5	3,9 ва ундан юқори
Маҳсулдорлиги:	270 ва ундан юқори	200	180 тагача
Кунлик озуқалантириш:	6 марта	5 марта	4 марта

Товуқлар маҳсулдорлиги ташқи тузилишига қараб серпушт, гўшtdор-серпушт ва гўшtdор зотларга ҳамда зот гуруҳларига бўлинади.

Ўрдак зотлари ҳам гўшtdор, гўшtdор-серпушт ва серпушт йўналишдан иборат.

Курка ва қозларнинг зотлари гўшtdор типига киради.

Товуқларнинг ташқи кўринишига қараб унинг баъзи хусусиятларини аниқлаш мумкин. Тухум йўналишидаги товуқларни танлашда баъзан янглишамиз ёки ташқи кўринишига қараб, унга қандай баҳо беришни билмаймиз. Қуйида биз тухум йўналишидаги товуқ танлашда аҳамият берилиши лозим баъзи хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Тана аъзолари Боши ва кўзлари	Ялши товуқ Ранги қизил. Пат- лари қисман думалоқ ва эътиборни тез тортади, ранги оч са- риқдан жигарранг- гача. Кўзи оқ-қораси аниқ ва тиниқ.	Ёмон товуқ Ранги оч рангда Кўзи тиниқ бўл- майди.
Тожи	Тожи оловранг ва майин.	Тожи очранг, қуруқ, қирралари андиқ аж- ралиб турмайди.
Тумшуги	Ўткир, калта, оз- гина бүкилган. Жў- жаларда сариқ, то- вуқларда ёрқинли- гини йўқотган бўла- ди.	Узун, сарғиш.
Кўкрак	Гўштдор, кўкрак суяклари деярли се- зилмайди.	Озин, кўкрак су- яклари бўртиб чиқ- қан.
Тери	Майин, юмшоқ, ёр- қин, ёғи чиқмаган.	Қуруқ, қаттиқ, кў- кимтир ва сарғиш рангда, ёғи чиқиб туради.
Оёқ	Кенг қадамли, жў- жаларда тўқ сариқ, товуқларда оч сариқ.	Х шаклида, орик ва сарик.
Бел	Кенг ва узун.	Қисқа ва нозик.
Анал тешиги	Нам, юмшоқ, бур- масиз, кўкимтир-оқ.	Қуруқ, сариқ.
Патлари	Жўжаларда силлиқ ва ёрқин. Товуқларда алоҳида, дум патлари ажралган.	Жўжаларда ёрқин эмас (матовый), ало- ҳида ажралган. То- вуқларда рангсиз, түзгінган.
Қорни	Катта ва эластик, гупкадек юмшоқ Юмшоқ ва эластик тери билан қоп- ланган.	Тортилган, қаттиқ ва қўпол тери билан қопланган.

Паррандачилик сирлари


Яхши товуқни ёмонидан ажратишда уни қўлга олиб кўриш мумкин.


Товуқларнинг оёқлари ораси юмшоқ ва эластик бўлиши лозим. Оёқлари орасидаги масофа 2-3 бармоқни ташкил этиши керак. Бунда товуқнинг катталиги ва бармоғингиз қалинлигига ҳам аҳамият беринг.

Бундан ташқари, товуқнинг оёқлари текис бўлиши, клеш сингари "ичкарини кўрсатмаслиги" ($>$ $<$) лозим. Бундай товуқ тухум қўйишда қийналмайди.

Иккинчи эътиборли жиҳати шундаки, оёқлари асоси билан кўкрак асоси орасидаги масофа табиатан бир бармоқ кенглигида бўлади ва тухум қўйиш пайтида 3-4 бармоқ кенглигича кенгаяди.

Товуқ тухумдан қолганда унинг ташқи кўринишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Унинг қорни қаттиклашиб, мунтазам кичрайиб боради. Буни қуйидаги тасвирда янада аниқроқ кўриш мумкин:





**Товуқларнинг ташқи кўринишига қараб
маҳсулдорлигини аниқлаш.**

I, II - яхши тухум берадиган товуқ.

III, IV - яхши тухум бермайдиган товуқ.

Паррандаларнинг саноат асосида ривожланиши парранда зотлари структурасини ўзгартиради ҳамда уларнинг ихтисослаштирилган линия ва кросс (насл олишда фойдаланиладиган гибрид)ларидан фойдаланиш имконини беради.

Масалан, тухум етиштириш учун асосан Леггорн зот товуқларининг генетик ишлаб чиқиши жиҳатидан ҳар хил кроссларидан фойдаланилади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, чет давлатларда пўчори жигарранг бўлган тухумга эҳтиёж кўпроқ, ушбу тухум оқ рангли тухумга нисбатан юқори баҳоланади. Пўчори жигарранг тухум олиш учун Леггорн зот товуқлари Нью-гемпшир, Род-айланд ва бошқа зотлар билан чатиштирилади.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида ҳам сифатли гушт, ҳам кўп миқдорда тухум берадиган товуқ зотларига эҳтиёж катта. Бундан ташқари,

республикамизда мавжуд бўлган парранда зотлари ва популяцияларини генофонд сифатида асраш зарур. Чунки ҳозирги вақтда саноат паррандачилигида фойдаланилаётган парранда зот ва популяциялари келгусида янги зот ва кросслар яратилишида иштирок этиши мумкин. Ўзбекистонда тарқалган урушқоқ (дакан) маҳаллий товук зоти шулар жумласидан. Бундай парранда зоти маҳаллий шароитга яхши мослашган, тана тузилиши пишиқ ва ҳаётчан бўлади.

Товуқларнинг Рус оқ зоти Леггорн товуқларни маҳаллий зот билан чатиштириб, вазни, серпуштлилиги ва ҳаётчанлигини ошириш натижасида яратилган. Товуқларнинг Рус оқ зоти юксак даражада ҳаётчан, маҳсулдорлиги бўйича эса аجدодларидан анча юқорида туради.

Ўзбекистон шароитида чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида Рус оқ товуғининг маҳаллий популяцияси 63 ва 18 кросс хўрозлари билан чатиштирилиб, уларнинг серпуштлилиги оширилган. Чатиштириш натижасида олинган дурагайлар маҳсулдорлиги ва ҳаётчанлиги бўйича асл зот ва линия товуқларидан устун туради. Тухум берадиган товуқлар бир неча хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради: суяк тузилиши енгил, тирик вазни кичик, 4-5 ой ичида тухум бера бошлайди.

Томорқа хўжаликларида кўпайтириб, боқиладиган зотларга Ломанн Браун, Ломанн ЛСЛ, Леггорн, Рус оқ товуғи, Нью-гемпшир, Минорка ва Род-айланд зотлари киради.

Товуқ зотлари

Мазкур бўлимда бугунги кунда Ўзбекистон ва МДХ давлатларида энг кўп тарқалган ҳамда саноат ва хонаки усулда парваришланаётган товуқ зотлари ҳақида маълумот берилади.

Ломанн Браун

Ломанн Браун тухум йўналишидаги товуқ. Унинг классик ва лайт турлари мавжуд. Жаҳон бозорида сермахсуллиги, тухумининг ранги ва ташиқи қобилининг қаттиқлиги билан машҳур. 140-150 кунда 50% тухум бера бошлайди. Энг юқори махсулдорлиги 92-94% ни ташкил этади. Бир йилда 302-304 (баъзан 315-320) та тухум беради, тухумининг вазни 63,5-64,5 гр.ни ташкил этади. Ёши 14 ойга етганда 350-360 та тухум беради, тухумининг вазни 64,0-65,0 гр.ни ташкил этади. Вазни 20-ҳафтада 1,6-1,7 кг., тухум бериш даврининг охирида 1,9-2,1 кг. бўлади.

Ломанн ЛСА

Ломанн ЛСА тухум йўналишидаги товуқ. Унинг классик ва лайт турлари мавжуд. Улар орасидаги фарқ: лайт тури классик турига нисбатан кўпроқ, аммо кичикроқ тухум беради. Ломанн Браундан унча фарқ қилмайди. Патлари ва тухумининг ранги оқ. Парваришлаш таннарни арзон. Катакларда боқишга мослашган бўлса-да, уни ерда ва каттик тўшамали полда

Паррандачилик сирлари

ҳам боқиш мумкин. Бир йил давомида 341-346 та тухум беради, тухумининг вазни 61,5-63 гр.ни ташиқил этади. Озуқа сарфи ҳар бир тухумга 127,8-129,6 гр. ҳисобланади.

Леггорн зоти

Леггорн товуқлари серпушт зотдир. Бу зот АҚШ ва Италиядан олиб келинган маҳаллий енгил вазнли товуқларни (пати оқ, қизғиш ва қора тусда) танлаш ва наслчилик ишларининг бошқа усуллари қўлланиши натижасида вужудга келган. Леггорн зот товуқлари дунёнинг турли жойларида кўп тарқалган. Бу зот товуқларининг маҳсулдорлиги қуйидаги кўрсаткичларга эга: серпуштлиги йил мобайнида 200-240 дона тухум, тухумининг ўртача вазни 56-62 гр., етук товуқлар вазни 1,8 кг., хўрозлар вази 2,5 кг.

Рус оқ товуғи

Товуқларнинг Рус оқ зоти Леггорн товуқларни маҳаллий зот билан чатиштириб, вазни, серпуштлилиги ва ҳаётчанлигини ошириш натижасида яратилган. У юксак даражада ҳаётчан, маҳсулдорлиги бўйича эса аجدодларидан анча юқорида туради.

Наслчилик ферма ва хўжаликларда боқиладиган Рус оқ товуқлари йил мобайнида 200 ва ундан ҳам кўп, элита гуруҳлари 230-250 дона тухум беради. Товуқларнинг ўртача вазни 1,8-2,1 кг., хўрозлари 2,8-3,1 кг.га этади. Тухумнинг ўртача вазни 58-62 гр. Жўжа товуқлар 173-176 кунлигида,

Товуқ, ўрдак, воз, курка

барвақт етилганлари 142-145 кунлигида тухум қила бошлайди. Рус оқ товуғи жўжалари тез ўсади. Боқиб семиртирилган катта ёшдаги парранда гуштдор бўлади.

Род-айланд

Род-айланд — тухум-гушт йўналишидаги зот. XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда (Род-Айленд ва Массачусетс штати) маҳаллий зотларни кохинхин, доминикан ва леггорн зотларини чатиштириш йўли билан яратилган. Пати қизил, дум қисмида қора патлари ҳам бор. Хўрозлари 3,0-3,5 кг., товуқлари 2,3-2,5 кг. Йиллик тухум бериши 220 ва ундан ортиқ. Тухум вазни 56-58 гр., пўчоғи сариқ рангда. Кўп мамлакатларда, жумладан, республикамизда ҳам кенг тарқалган.

Нью-гемпшир

Тухум-гушт йўналишидаги зот. АҚШда (Нью-Хемпшир штати) Род-айланд зотини бошқа зот билан чатиштириш орқали яратилган. Пати олтин-сариқ ёки оч-сариқ рангда. Хўрози 3,5-3,8 кг., товуғи 2,5-2,8 кг. вазнда бўлади. Йиллик тухум бериши 190-200 дона. Тухум вазни 58-59 гр., пўчоғи оч сариқ рангда. Кўп мамлакатларда, жумладан, республикамизда ҳам кенг тарқалган.

Минорка

Бу зотнинг ватани Ўрта ер денгизи ороллари дир. Йилига 200 тагача тухум беради.

Паррандачилик сирлари

тухумнинг оғирлиги 75 гр. Тухум пўчоғи ок рангда. Патининг ранги қора, хўрозининг тожи тик, ўткир тишли кўринишда бўлади.

Корниш зоти

Бу гўшт йўналишидаги асосий товук зоти ҳисобланади. У ўтган асрда Англияда урушқоқ товук зотларини чатиштириш йўли билан яратилган. Ранги оқ, қора, қизил ва бир қанча ранглар аралашмасидан иборат. Кўкраги кенг, оёқ мускуллари йўғон ва яхши ривожланган. Тумшуғи калта ва йўғон. Товуқлари 3-3,5 кг., хўрозлари 4-5 кг. бўлади. Товуқлар йилига 110-150 та тухум қилади. Тухумининг вазни 52-60 гр. бўлади.

Плимутрок зоти

Бу зот товук ўтган асрда АҚШда яратилган. Товуқларнинг вазни 2,8-3,0 кг., хўрозлари 3,8-4,0 кг. Йилига 170-190 та тухум қилади. Тухумининг оғирлиги 58-60 гр.

Голландиядан келтирилган "Гибро-47" ва "Гибро-57" кроссларидан яхши фойдаланилади. Бу кросс бройлери 56 кунлигида 1500 гр. келади, 1 кг. семириши учун 2,4 кг. озуқа сарфланади.

"Старбро-4" кросси эса Канададан олиб келинган. Унинг 56 кунлик бройлери 1430 гр., айримлари 1700-1800 гр. бўлади. Шунингдек, мамлакатимизда Канада ва Япониядан келтирилган "Старбюро-15" ва "Гото" кросслари ҳам бор.

Москва зоти

Бу зот Юрлов, Леггори ва Нью-гемпшир зотларини бир-бири билан чатиштириш ва дурагайлаш йўли билан яратилган. Бу тухум йўналишидаги товуқлар зотига киради. Ранги қора, бўйин қисми сариқ, қизил патлари қалин жойлашган. Хўрозлари 3,5 кг., товуқлари 3 кг. бўлади. Йилига 170-200 та тухум қилади, тухум оғирлиги 62 гр.

Загорская зоти

Бу зот Москва вилояти Загорск шаҳридаги Бутуниттифоқ паррандачилик илмий-текшириш институти экспериментал базасида яратилган. Бунда асосан Род-айланд, Нью-гемпшир, Юрлов, Рус оқ товуқ зотлари қатнашган. Ранги оқ, пушти ранг патлар ҳам учраб туради. Хўрози вазни 3,6 кг., товуқ эса 3 кг. бўлади. Йилига 165-175 та тухум қилади. Тухумининг оғирлиги 64 гр.

Ўрдақ зотлари

Ўрдақлар Кряква деб аталувчи ёввойи туридан хонакилаштирилган. Ҳозирги вақтда ўрдақнинг кўплаб сермахсул зотлари мавжуд. Улар хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Ўрдақлар асосан гўшти учун боқилади, улардан олинадиган тухум унчалик аҳамиятга

Паррандачилик сирлари

эга эмас. Ўрдаклар тез етилувчан парранда ҳисобланади, боқув даврининг охирига бориб 2 кг. ва ундан кўпроқ тош босади. Йилига 100 дан 200 тагача тухум қилади. Инкубаторда етиштирилган жўжаларини ҳисобга олганда битта урғочи ўрдак насли ҳисобига йилига ўртача 75 кг. гўшт олинади. Ўрдаклар зотига кўра турли вазнда бўлади ва уч хил (гўшт, тухум ва гўшт-тухум) йўналишида кўпайтирилади.

Бу қисмда асосан Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида энг кўп тарқалган ва парваришланадиган ўрдак зотлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Пекин ўрдаклари зоти

Бу зот жуда кенг тарқалган ва зўр деб ном олган. Боши катта, кенг, тумшуғи узун, сариқ рангда, ўртача катталикда, оёқлари калта, қизғиш сариқ рангда, елкаси кенг, ўртача узунликда, кўкрак қисми кенг, пати оқ рангда. Пекин ўрдаклари тез етилувчан ва совуққа жуда чидамли. Катта эркак ўрдакнинг тирик вазни 3,5-4 кг., урғочи ўрдакнинг тирик вазни 3,0-3,5 кг. Йиллик тухум бериши 80-120 та, тухумнинг ўртача оғирлиги 85-90 гр.

Руан ўрдаклари зоти

Ўтган асрларда Францияда яратилган ва бутун Европага тарқаган. Ранг тузилиши ёввойи ўрдакниқига ўхшайди. Рангига қараб

Товуқ, ўрдак, ғоз, курка

икки типга бўлинади - француз қора патли ва инглиз рангли патли ўрдаклар. Эркаги елка ва сон қисмларида оқ ранги ва дум қисмининг қайрилган пати билан ажралиб туради. Эркак ўрдак 4,0-4,5 кг., урғочи ўрдак 3,0-3,5 кг. тирик вазни ташкил қилади. Йилига 80-100 та тухум беради, тухум оғирлиги 70-90 гр. Мазали гўшти ва серпўштлиги учун хонадонларда кўп боқилади.

Ёввойи мускус ўрдаги

Ёввойи мускус ўрдаги ёки индоутка номи билан кенг тарқалган зот. Ватани Лотин Америкаси. Пати асосан қора рангда бўлиб, бўйин қисми ва танасининг баъзи жойларида оқ ранглар ҳам мавжуд. Хонакилаштирилган ўрдаклар қора, оқ, қора-оқ ранглари билан ажралиб туради.

Ўрдак қадимги ацтека қабилалари томонидан хонакилаштирилган, аввал Африка қитъасига, сўнгра Европа ва Россияга келтирилган. Бу зот Пекин ўрдаклари билан чатиштирилиб, гибрид зотлар яратилган. Ёввойи эркаги 3 кг., урғочиси 1,5 кг. вазни бўлса, хонакилаштирилган эркаги 4-6 кг., урғочиси 2-3 кг. вазни бўлади. Йилига 70-120 та тухум беради, тухум оғирлиги 80-95 гр. Пекин ўрдакларига нисбатан секин ўсади, кўк ўтлар ва дон, комбикорм билан озучаланади. Хонакилаштирилган индоуткалар иссиқсевар бўлиб, совуқ сув ҳавзаларидан қочади.

Хаки-кемпбел зоти

Бу зот Англияда бир неча ўрдак зотларини ўзаро чатиштириш билан яратилган. Унинг гўшти юқори сифатли, юмшоқ ва серсув. Эркаги вазни 2,8 кг., урғочиси 2,5 кг. бўлади. Йилига 150-200 та тухум қилади. Тухуми оғирлиги 75 г.

Оқ Москва зоти

Бу зот Москва вилоятидаги "Птичное" наслчилик хўжалигида яратилган. Бунда Пекин ва Хаки-кемпбел зотларидан фойдаланилган. Улар ташқи кўриниши бўйича Пекин ўрдакларига анча ўхшаш. Гўшти мазали ва сифатли. Эркаги вазни 3,5 кг., урғочиси 3 кг. бўлади. Йилига ўртача 108 та тухум қилади, тухум оғирлиги 100 гр.

Украина зоти

Бу зот Украинадаги паррандачилик тажриба хўжалигида қора рангли, оқ кўкракли маҳаллий ўрдакларни Пекин ва Хаки-кемпбел зоти билан чатиштириш орқали яратилган. Эркаги вазни 3,7 кг., урғочиси 3,3 кг. бўлади. Йилига 90 тадан тухум қилади, тухум оғирлиги 90 гр. Бу зот ўрдакнинг кул ранг тури маҳаллий ўрдакларни саралаш йўли билан яратилган. Эркаги вазни 3-3,5 кг., урғочиси 2,8-3 кг. бўлади. Йилига 110 та тухум қилади, тухум оғирлиги 90 гр.

Ғоз зотлари

Ҳозирги ғозларнинг ёввойи аجدоди кул ранг ғозлардан тарқалган. Улар бошқа паррандалардан ўтхўрлиги билан фарқ қилади.

Ғозларнинг асосий маҳсулоти гўшт ва ёри ҳисобланади. Тухуми кам бўлгани учун таом сифатида истеъмол қилинмайди, ғоз очиришда ишлатилади. Тухуми йирик бўлиб, оғирлиги ўртача 150-200 гр.га тенг.

Ғозлар зотдорлик хусусиятларига кўра, катта, кичик ва ўртача вазнли ғоз зотларига бўлинади. Бунда ғоз танасининг вазни, гўшторлиги ва ёғ миқдори ҳамда уларнинг бир-бирига нисбати асос қилиб олинади.

Бу қисмда Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида энг кўп тарқалган ва парваришланадиган ғоз зотлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Холмогор зоти

Бу зот Арзамас ва Хитой зотларини чатиштириш орқали яратилган. Патининг ранги уч хил кўринишда бўлади: оқ, кулранг ва кумуш-кулранг. Тумшуғи катта. Тумшуғи ва оёқлари апельсин рангида, боши катта, пешонаси шишганроқ, бўйни узун кўринишда бўлади. Бўйнининг пастки қисмида "халтача"си бор, кўкраги чуқурроқ, яхши ривожланган. Ўртача вазни 7,5-8 кг., йириклари 12 кг.гача бўлади. Йиллик тухум бериши 20-25 дона, парваришга

Паррандачилик сирлари

қараб 50 тагача етказиш мумкин. Тухумининг оғирлиги 160-220 гр.ни ташкил этади. Бу зот асосан гўшт етиштириш учун боқилади.

Горьков зоти

Хитой зоти билан маҳаллий зотни чатиштириш йўли орқали Горьков зоти яратилган. Пати оқ рангда, кул ранг кўринишида ҳам учрайди, бош қисми ўртача катталиқда, танаси узун ва кенг. Тирик вазни катта ғозларда 7-8 кг., ёш ғозларда 6-7 кг.ни ташкил қилади. Йиллик тухум бериши 45-50 дона, тухум оғирлиги 140-170 гр.ни ташкил қилади.

Кубань ғозлари

Бу зотли ғозлар Россиянинг Кубань қишлоқ хўжалиги институти ходимлари томонидан 1979 йилда яратилган. Икки хил тури бор: 1) кул ранг (Горьков кул ранг ғози билан Хитой кул ранг ғозларини чатиштириш йўли орқали олинган); 2) оқ ранг (Горьков оқ ранг ғози билан Холмогорский зотини чатиштириш йўли орқали олинган). Катта ғозлар вазни 5,0-6,0 кг., йиллик тухум бериши 75-85 дона, тухум оғирлиги 140-160 гр.ни ташкил қилади.

Италия ғози

Италия зоти Хитой зотлари билан чатиштириш орқали яратилган. Бу зот Италиядан келтирилган. Пати оқ рангда.

Товуқ, ўрдак, ғоз, курка

Тумшуғи сариқ, оёқлари сариқ пушти рангда. Боши кичикроқ, бўйни узун. Кўкрак қисми тула ва кенг кўринишда. Эркак ғоз 6,5-7,0 кг., урғочи ғоз 5,5-6,0 кг.ни ташкил этади. Йиллик тухум бериши 35-47 дона, тухум оғирлиги 150-170 гр. Гўшт йўналишидаги ғозлар яратишда бу зотдан фойдаланилади.

Тула зоти

Бу ғоз қадимги зотлардан ҳисобланиб, ранги кул ранг, кул ранг ва жигар ранг аралашган, баъзан ер рангида ҳам учрайди. Эркаги вазни 6 кг., урғочиси 5-5,5 кг. келади. Тухум қилиши йилига 10-12 дона.

Калуга зоти

Бу зот ғозлар Тула зотига ўхшаш бўлади. Ранги оқ ва кул ранг. Патлари кўпроқ қорин, кўкрак ва қанот учларида бўлади. Эркаги вазни 7-7,5 кг., урғочиси 5,8-6 кг. бўлади. Тухум қилиши йилига 10-15 дона, тухуми оғирлиги 170-200 гр.

Тамбов зоти

Бу зот Тамбов вилоятидаги "Арженька" паррандачилик совхозида тулуз ва ромен ғоз зотларини ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Ранги кул ранг. Эркаги вазни 8 кг., урғочиси 7 кг. Тухум қилиши йилига ўртача 50 та, тухуми оғирлиги 175 гр.

Тулуз зоти

Франциянинг Тулуз шаҳрида яратилган. Ранги тўқ кул ранг, баъзан танасида доғлар бўлади. Тумшуғи оч пушти рангда, оёқлари қизил-пушти рангда бўлади. Эркаги вазни 7,5-8 кг., урғочиси 7-7,5 кг. бўлади. Тухум қилиши йилга 30-50 та, тухумнинг оғирлиги 170-200 гр.

Курка зотлари

Курка фақат гўшт йўналишидаги парранда ҳисобланади. Эркаги вазни ўртача 16 кг., урғочисиники 9 кг. бўлади. Тухуми оғирлиги 90 гр. ва ундан ортиқ. Инкубаторда очириладиган жўжаларни ҳисобга олганда йилига бир бош урғочи курка ҳисобига 60-70 кг. гўшт олинади. Унинг гўшти ёғли, мазали, майин, ранги оқ бўлади. Куркалар зот хусусиятларига кўра турли хил вазнга эга.

Куркаларнинг ҳам юқори сифатли, сермахсул зотлари мавжуд. Ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган курка зотлари бронза рангли Шимолий Кавказ зоти, Краснодар зоти, Москва оқ курка зоти ва бошқалар.

Бу қисмда асосан Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида энг кўп тарқалган ва парваришланадиган курка зотлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кенг кўкракли оқ курка

Бу зот Голланд оқ куркалари билан Бронза кенг кўкракли куркаларни чатиштириш йўли билан АҚШда яратилган. Патлари оқ рангда.

3 хил тури:	Вазни (кг)
эркаги	урғочиси
1. Енгил 8-9	4,4-5,5
2. Ўрта 15-17	6-7
3. Оғир 20-25	10-11

Шимолий Кавказ бронза куркаси

Бу зот Россиянинг Ставрополь ўлкасида 1946 йили маҳаллий зот билан Бронза кенг кўкракли куркасини чатиштириш орқали яратилган. Пати бронза рангида. Эркаги 13-14 кг., урғочиси 6,5-7 кг., йиллик тухум бериши 75-80 дона, тухумининг оғирлиги 80-85 гр.ни ташкил қилади.

Москва кул ранг зоти

Бу зот Москва вилоятидаги "Берёзка" совхозида бронза рангли зотни маҳаллий куркалар билан чатиштириш орқали яратилган. Эркаги 13-15 кг., урғочиси 7-8 кг., йиллик тухум қилиши 86-88 дона.

Москва оқ курка зоти

Бу зот ҳам Москва вилоятидаги "Берёзка" совхозида оқ рангли маҳаллий курка, оқ рангли ва белтовил зотларини бир-бири билан ўзаро чатиштириб яратилган. Эркаги 12-14 кг., ургочиси 6-8 кг. бўлади. Йиллик тухум бериши йилига 104 дона.

ИНКУБАЦИЯ

Умумий маълумотлар

Ҳозирги вақтда инкубаторда жўжа очириш барча паррандачилик фабрикалари, комплекс ва хўжаликларда яхши йўлга қўйилган. Бунинг афзаллиги шундаки, йил давомида кўплаб сифатли соғлом жўжалар очириш имкониятига эга бўлинади. Инкубатордаги барча шароит — ҳарорат, намлик, ҳавонинг ҳаракати ва таркиби, тухумларни қўзғатиб туриш табиий ҳолдагидек махсус аппарат ёрдамида бажарилади.

Инкубациянинг самарадорлиги бир қанча омиллар билан белгиланади. Масалан, инкубация режими, жўжа очириш учун қўйилган тухумларнинг сифати ва биологик жиҳатдан талабларга жавоб бериши, яъни тухумларнинг уруғланган бўлиши ҳамда тухум таркибида муртакнинг тараққиёти учун озуқа моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Инкубация жараёни уч даврни ўз ичига олади. Биринчи даврда тухумда муртак шакллана бошлайди.

Товуқ, ўрдақ, гоз, курка

яъни унинг асаб, овқат ҳазм қилиш, жинсий, қон айланиш каби органлар тизими вужудга келади. Бу даврда тухум таркибида сувнинг етарли бўлиши ва ҳароратни юқори ушлаб туриш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунга кўра, модда алмашинув жараёни кучаяди, озуқа моддаларга бўлган эҳтиёж ортади, ортиқча сув оқсилнинг пўстлоқ қаватидан чиқиб кетади. Иккинчи даврда қолган органлар ва эт шаклланади. Учинчи даврда муртак тўла етилган бўлиб, тухумни ёриб чиқиши учун тайёр бўлади. Бунда ортиқча иссиқлик талаб этилмайди.

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар навларга ажратилади. Бунда эски, майда, нотекис, ифлос, дарз кетган, ювилган ва сариклиги 2 та бўлган тухумлар жўжа очириш учун ярамайди. Инкубаторга қўйиладиган тухум кўпи билан 6 кунлик бўлиши, намлиги 75-80%, ҳарорати 8-12°C бўлган жойда сақланиши лозим.

Меъёрланган шароитда жўжа очириш учун сарфланадиган вақт:

Асосий даврлар	товуқ ларида	жўжа- ўрдақ, курка гоз жўжаларида	жўжаларида
Тухум ёриша бошлаши	19-кун	25-куннинг боши	27-кун
Тухумдан жўжа чиқа бошлаши	20-куннинг охири	26-кун	29-кун
Тухумдан жўжанинг ёлласига чиқиши	21-куннинг боши	27-кун	30-кун
Тухумдан жўжа чақишининг тугалланиши	21-куннинг охири	28-куннинг боши	31-куннинг боши

Инкубаторга тухум бир текисда, уч қисмини остига қилиб, вертикал ҳолда жойлаштирилади.

Паррандачилик сирлари

Тухумлардан имкон қадар кўпроқ ва соғлом жўжа очириш мақсадида биологик назорат олиб борилади. Бунинг учун инкубация жараёнида тухумнинг баъзилари текшириб кўрилади, электр лампа нури ёрдамида кузатилади. Шунингдек, муртаклар устида патологик ва анотомик кузатишлар олиб борилади. Муртакларнинг ривожланиш даражаси аниқланади, лозим бўлса, қўшимча шароит яратиб берилади.

Уй шароитида тайёрланадиган инкубаторлар

Паррандаларни кўпайтириш учун мураккаб ҳамда анча қиммат инкубаторлар сотиб олиш шарт эмас. Уй шароитида оддий инкубаторларни ясаш ҳам мумкин. Қўлбола инкубаторнинг қопқоғи, вентиляция тўйнуғи, кузатув ойнаси, эшиги, шунингдек, иситиш лампалари патрони, бошқарув дастағи, планкаси, тухум қўйиш мосламаси, рейка, сув идиши бўлади.

Мазкур инкубаторга хос хусусиятлар — барча тухумларни бир вақтда айлантиришга мослаштирилган тухум қўйиш мосламаси ва қўлбола иссиқлик бошқаруви.

Инкубатор оёқчалар устига ўрнатилади, тепа қопқоғида планка остида икки қатор қилиб, ораси 30 мм. бўлган 25 мм. диаметрли бештадан вентиляция тешиги очилади. Худди шундай тўйнуқлар пастки қисм (пол қисми)да ҳам очилади. Кўриш ойнаси иссиқликни изоляциялаш мақсадида икки қаватли қилиб ишланади.

Корпус деворлари икки қаватли қилиб фанерадан тайёрланади. Фанера қаватлари

орасига арра тўпон ёки шу каби иссиқликни изоляция қилувчи восита қўйилади. Мазкур усулда тепа қопқоғи ҳам изоляцияланади.

Ички қисмига 4 та патрон ва электр симлари монтаж қилинади. Бунда бир девордаги патронлар оралиғи 250 мм. бўлиши керак. Патронлар остига тухум қўйиш мосламаси учун рейка қоқилади.

Планкани зарур пайтда очиб-ёпиш ҳамда у ёки бу томонга буриб қўйиш билан ҳаво оқими бошқарилади. Намликни таъминлаш учун инкубатор ичига сув тўлдирилган идиш қўйилади.

Тухум қўйиш мосламаси ёғочдан қилиниб, остига 2-3 мм.ли металл тўр тортилади. Қулайлик учун тўрга тухумларни айлантириш мақсадида бошқарув планкалари ўрнатилади. Тухумларни қўлда айлантириш ҳам мумкин, ammo уларни бир кунда бир неча маротаба айлантириб туришга тўғри келади. Бу эса бир оз ноқулайлик туғдиради.

Шунинг учун қўлбола тухум қўйиш мосламасини ҳам ясаш мумкинки, бу жуда осон. Мослама валик, ён томонлари мустаҳкамланган ва илгакли мато, рамка, тўсиқлар, мустаҳкам газлама (матонинг валикларга уланадиган икки учи ва ён томонлари мустаҳкам газлама ёрдамида мустаҳкамланади), тортилган сим. айлантириш дастаги ва штирдан иборат.

Икки чекка деворларга ёғоч валиклар (диаметри 20-25 мм., штир қисми диаметри 9 мм.) ўрнатилади. Валикларга мато михлар билан бириктирилади. Ён деворларига 1 мм. диаметрдаги сим ўрнатилиб, мато илгаклар ёрдамида маҳкамлаб қўйилади (бу унинг ён чеккаларгача тортилиб туришини таъминлайди).

Паррандачилик сирлари _____

Валикларни у ёки бу томонга айлантириш тухумларни бир текис айлантириш имконини беради.

Инкубаторда очилган жўжаларни парваришlash

Инкубатордан жўжалар чиқариб олиниши биланоқ озуқалантирилиши керак. Улар биринчи ва иккинчи кун и албатта сувда пиширилган тухум ва твoрог билан боқилади. Шунда касалланмайди ва бакувват бўлиб ўсади. Шу билан бирга, макка, сули ва буғдой ёрмалари билан кунига 5-6 мартаба бир хил оралиқ муддатларда озуқалантирилади. 4-кундан бошлаб майдаланган кўкатлар, пиёз, беда барги, крапива бeрилади. Агар ҳаво иссиқ бўлса, жўжаларни уч кундан сўнг ташқарига чиқариш мумкин.

Жўжаларга сув бeришда махсус сув мосламаларидан фойдаланилади. Уй шарoитида кичкина лeкoпларга сув қуйиб, устига пиёла ёпиб қўйилади, жўжалар атрофида айланиб, сув ичишади. Сув идишда сув канча камайса, шунча сув қўшиб турадиган мосламалар тайёрлаб, ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Жўжаларни парваришlashда ҳароратга катта эътибор бeриш лoзим. Бунда биринчи ҳафтада ҳарорат 30-32°C, кейинги ўн кунликда 28-26°C, сўнг 20-кунигача 25-23°C бўлиши лoзим.

ПАРРАНДАЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Овқат ҳазм қилиш тизими

Паррандаларнинг овқат ҳазм қилиш органлари тизими ўз тузилиши ва вазифасига кўра бошқа ҳайвонларникидан фарқ қилади. Паррандаларда тумшуғи билан қамраб олинган озуқа тил ёрдамида ичкарига сурилиб, ҳалқумига, ундан қизилўнгачга ўтади. Қизилўнгачнинг пастки қисми кенгайган ҳолда жиғилдонга айланган. У ерда озуқа юмшайди ва ошқозонга ўтади. Ошқозон безли ва мускулли бўлимдан ташкил топган. Безли бўлимининг деворларида кўплаб безлар жойлашган. Ундан ажралиб чиққан ҳазм шираси таъсирида ошқозондаги озуқа янада юмшайди ва бўртади. Озуқа безли ошқозондан мускулли ошқозонга ўтади. Шунингдек, безли ошқозондан мускулли ошқозонга ҳазм шираси ҳам ўта бошлайди, мускулли ошқозон деворларида махсус модда ишлаб чиқарилиб, у ошқозоннинг ички деворларида пишиқ пўст ҳосил бўлади. Бу пўст озуқанинг майдаланишига ёрдам беради.

Паррандаларга майда тошлар ҳам бериб турилади. Бу мускулли деворлар қисқарганда ошқозоннинг яхши ишлашига ёрдамлашади.

Шундан кейин майдаланган озуқа ингичка ичакка тушади. Ичакнинг бошланғич қисмига жигар ва ошқозон ости безининг йўли келиб қўшилган бўлади. Озуқа моддалари бошқа тур ҳайвонлардаги каби ингичка ичакда ҳазм бўлади.

Паррандачилик сирлари

Демак, овқат ҳазм қилиш органлари тизими қуйидагилардан иборат: 1 - қизилўнгач; 2 - жиғилдон; 3 - безли ошқозон; 4 - мускулли ошқозон; 5 - ингичка ичак; 6 - кўричак; 7 - йўғон ичак; 8 - клоака; 9 - жигар; 10 - ошқозон ости беzi.

Озуқа рациони

Паррандалар асосан озуқа рациони асосида боқилади. Рацион тузганда уларнинг ёши, вазни, маҳсулоти ва физиологик ҳолати ҳисобга олинади. Паррандалар, асосан, дон, омихта ем ва ҳайвонот чиқиндиларидан олинадиган озуқа билан боқилади. Бу озуқалар рациондаги умумий озуқанинг 70-80% ини ташкил қилади.

Паррандалар ёшига, вазни ва маҳсулот йўналишига ҳамда боқиш технологиясига кўра куруқ дон ва ем билан боқилганда озуқалантириш жараёнларини механизациялаштириш анча қулай бўлади.

Паррандалар озуқа рационини суткалик ва индивидуал ҳолда тузиш анча мураккаб бўлганлигидан уни гуруҳ ҳолида тузиш қўлланилади. Чунки суткалик рацион тузишда биологик қўшимчаларни ҳисоблашга кўп вақт кетади, индивидуал рацион тузишда ҳар бир парранданинг ёши, физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унга тез-тез ўзгартиришлар киритиш талаб қилинади. Автоматик охурлар ва озуқа тарқатувчи ускуналардан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун рацион 100 гр. озуқа нормаси асосида тузилса, юқорида келтирилган камчиликлар

Товуқ, ўрдақ, ғоз, курка

бартараф қилинади. Бунда озуқаларнинг тўйимлилиги, уларнинг кимёвий таркибига кўра, комплекс ҳолда баҳоланади, паррандаларга умумий озуқа тайёрлаш ва уни механизация ёрдамида тарқатиш имкони вужудга келади.

100 гр. озуқа асосида рацион тузишнинг яна бир муҳим томони шундаки, бунда паррандалар томонидан истеъмол қилинган озуқа аралашмасининг сифати ва тўйимлилигини назорат қилиб бориш қулай бўлади.

Илғор хўжаликларда паррандалар учун рацион тузишда 100 гр. дон аралашмасида 110-112 гр. озуқа бирлиги, 8-9 гр. ҳазмланадиган протеин (оқсил) бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, унинг таркибида етарли миқдорда минерал элементлар, витаминлар бўлиши талаб этилади.

(1 озуқа бирлиги деганда 1414 ккал. энергияга эга озуқа тушунилади. Шартли равишда у 1 кг. сулининг озуқавий қиймати билан ўлчанади. Бундан ташқари, энергетик озуқа бирлиги ҳам қабул қилинган бўлиб, озуқавий қиймати 2500 ккал.га ёки 1 кг. крахмалнинг озуқавий қийматига тенг.)

Рациондаги озуқа турларининг (фоиз ҳисобида) миқдорлари:

Озуқа турлари	товуқ	ўрдақ	ғоз	курка
Бутун дон	35	25	20	25
Ерма дон	35	35	25	25
Қон-суяк уни	7	7	7	7
Кўкат озуқа	20	30	48	40
Минерал озуқа	3	3	3	3

Товуқ, ўрдақ, роз, курка

1-16 ҳафталик жўжаларнинг озуқага бўлган талаби:

Ешн, ҳафта ҳисобида	Бир бош жўжа учун озуқа талаби, грамм ҳисобида	
	Бир кунда	Жами
1	11	77
2	17	196
3	22	350
4	28	546
5	35	791
6	41	1078
7	47	1407
8	51	1764
9	55	2149
10	58	2555
11	60	2975
12	64	3423
13	65	3878
14	68	4354
15	70	4844
16	71	5341
ЖАМИ	763	35728

1-16 ҳафталик жўжаларнинг озуқа таркиби:

Озуқа тури	1 ҳафталиккача, фозз қисомида	1-2 ҳафталиккача, фозз қисомида	3-6 ҳафталиккача, фозз қисомида	9-16 ҳафталиккача, фозз қисомида
Мағжал/зори дони	30	29	25	27
Буғдой	30	25	20	14
Соя қунжараси	30	22	13,5	4
Қуруқ сўт	10	4		
Балиқ ўни		6	4	2,1
«Известияк»		1,6	2	2
Сўзғи ўни		1	1,5	1,5
Кепок		89	32	46,7
Майдалланган тош		0,5	0,5	0,5
Премиялар 1 тўна озуқа учун (кг ҳис.)		2	2	2
Усулчилик сўи		1	1,5	1,5

Товуқларга суткасига 4-5 марта, тухум йўналишидагиларга 5-6 марта озуқа берилади. Эрталаб қисман дон ва омехта ем берилса, кейин кўкат озуқа, сўнгра намланган аралаш озуқалар берилади. Хоналарда полдан унча баланд бўлмаган охурларда сифатли пичан, илдизмава, махсус охурларда эса бўр, ўтин кўмири ва тоза сув ҳам туриши лозим.

**Тухумдор товуқлар учун тахминий
озуқа рацион
1 бошга 110-130 гр.**

Озида тури	10 кг омухта ем учун, кг	100 кг омухта ем учун, кг	1000 кг омухта ем учун, кг
Мақкажўхори	3,1	31	310
Кепақ	1,0	10,7	107
Бутдой	2,0	20,0	200
Соя кунжара	1,7	17	170
Балиқ уни	0,3	3	30
Гўшт-суяқ уни	0,30	3,3	33
Беда уни	0,3	3	30
Ег	0,4	4	40
Примекс	0,03	0,25	2,5
Кальций фосфат	0,10	1,5	15
Чиганок	0,45	6	60
Туз	0,02	0,2-0,5	2,0
Жами	10,0	100,0	1000,0

Ушбу омухта емнинг 100 граммида қуйидагилар
мавжуд:

Протеин	17,03%
Алмашинув энергияси	274,1 ккал.
Кальций	3,2%

Паррандачилик сирлари

Фосфор	0,94%
Натрий	0,43%
Метионин-цистин	0,53%
Лизин	0,87%

Куркалар худди товуқлар сингари боқилади.

Ўрдаклар рационига кўпроқ силос, кўкат ўтлар, илдизмева ва беда сингари озуқаларни киритиш лозим. Лекин тухум қилиш даврида таркибида ҳазмланувчи протеин кўпроқ бўлган озуқа турлари берилади.

Ўрдаклар кунига 2-3 марта озиқлантирилади. Бунда кундузи намланган омихта озуқа берилса, иккинчи марта тунда ундирилган дон майсалари берилади. Махсус охурларда тоза сув ҳам бўлиши керак. Агар ўрдаклар турли озуқаларга бой бўлган кўлмак сувларда яйратиб боқилса, уларнинг рационини 30-40% га камайтириш мумкин.

Ҳозлар, бошқа паррандаларга қараганда, яйлов ўсимликларини кўпроқ истеъмол қилишади. Шунга кўра, уларнинг рационига силос, илдизмевалар бўлиши фойдали. Агар ғозлар сермахсул яйловларда боқилса, уларнинг рационига кўкат озуқалари бўлиши шарт эмас. Ҳозларнинг тухум қилишига икки ой қолганда уларга кўпроқ дон, намланган озуқа, майдаланган чиганоқ ва минерал моддалар берилади.

Паррандачилик хўжаликларининг ихтисослашиш даражасига қараб, жўжаларни пода ёки катакларда боқиш ва парвариш қилиш усуллари қўлланилади. Паррандалар подада

Товуқ, ўрдақ, воз, курка

боқиладиган бўлса, хоналарга майдаланган хашак ёки қипиқ солинади. Дастлаб у 5-7 см. қалинликда солинса, кейин 25-30 см. гача етказилади. Шунингдек, айрим ҳолларда сим тўрдан ясалган поллардан фойдаланса ҳам бўлади.

Ҳозирги вақтда жўжаларни катакларда боқиш усули кенг қўлланилмоқда. Бундай хоналарга жўжаларни 4-5 мартадан кўпроқ жойлаш мумкин. Жўжалар учун хоналар тоза, ёруғ ва кенг, илиқ бўлиши лозим.

Ҳаво салқин ва совуқ бўлса, хонанинг ҳарорати паррандалар ёшига қараб, ўзгартирилиб турилади.

Жўжаларнинг ёшига қараб ҳаво ҳароратининг ўзгартириш меъёрлари қуйидагича:

Товуқ ва курка жўжалари учун		Ўрдақ ва воз жўжалари учун	
ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C	ёши, кун	ҳаво ҳарорати, °C
1-5	32-30	1-5	30-28
6-20	30-25	6-16	27-25
21-40	24-18	16-20	26-22
41-60	18-15	21-30	22-18

Жўжалар боқиладиган хонада ҳавонинг ўртача намлиги 65-70% бўлиши керак. Жўжаларни катакларда боқиш ва парваришда ориқ ва нимжонлари юқори қаватга, бақувват ва соғломлари остки қаватга жойлаштирилиши лозим. Товуқ жўжалари бир ойлик бўлганида эркаклари уррочиларидан ажратилиб, алоҳида

Паррандачилик сирлари

хоналарда боқилади. Бунда насл учун боқиладиган жўжаларни 40-60 кунлигига қадар махсус хоналарда сақлаш тавсия этилади. Гўшт учун боқиладиганлари катакда қолади.

Ўрдак ва роз жўжалари 15-20 кунлигига қадар катакларда, сўнгра лагерь шароитида боқилади. Имкони бўлса, кўлмак ёки секин оқадиган сувдан фойдаланиш яхши натижа беради. Айниқса, турли ҳашорат, итбалиқ, майда балиқлар ва сув ўтлари кўп бўлган кўлмак сувлар жуда фойдали.

Ҳарорат 15°C дан паст бўлганда товукларнинг тухум қўйиши кескин камаяди.

БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАР ПАРВАРИШИ

"Бройлер" — инглизча сўз бўлиб, "қовурма жўжа" деган маънони билдиради. Бройлер жўжаларни меҳнат жараёнлари тўла механизациялаштирилган катта хоналарда боқиш самарадорликни ошириш имконини беради. Бу ерда улар 55-60 кунлигига қадар боқилади. Ана шу даврда уларнинг вазни 1,5-1,8 кг.га етиб, ҳар бир кг. семириш учун 2,6-2,8 кг. озуқа бирлиги сарфланади.

Ҳозирги вақтда 5 мингдан 20 мингтагача жўжага мўлжалланган махсус "Бройлер-10" ва "Бройлер-20" маркали қурилма комплекtlари ишлаб чиқарилмоқда. Комплект қуруқ озиқ сақлашга мўлжалланган бункер, 4 ва 6 линия учун мослаштирилган ҳаракатчан вакуумли озиқ тарқатгич, 4,5 л. ҳажмли суғоргич ва барча жараёнларни бошқариб турадиган пулт билан

жиҳозланган. Комплектга жўжаларни қўйишдан олдин хоналар яхшилаб тозаланади, дезинфекция қилинади, сўндирилган оҳак сепилади, 5-7 см. қалинликда тўшама ташланади.

12 та жўжа учун 1 м² жой ажратилиб, 500 жўжа учун битта электр иситгич ўрнатилади. Жўжалар 20 кунлик бўлгунча деразадан тушадиган ёруғлик кифоя қилади, 40 кунлигигача ёруғлик суткасига 16-17 соатгача камайтирилади. Бройлерлар деразаси бўлмаган, сунъий ёруғлик кам тушадиган хоналарга жойлаштирилади. Агар ёруғлик қизил рангда бўлиб, фақат охурларнинг устига тушса, жўжалар яхши семиради. Бройлерлар семириши билан махсус темир катакларда қушхоналарга жўнатилади. Бу иш тез бажарилиши лозим, акс ҳолда катакларда туриб қолган жўжалар вазни соатига 0,34% камайтириши мумкин. Шунинг учун бройлерларни ташишда транспорт ва барча воситалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

КАСАЛЛИКЛАР: ТАВСИФИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА

Умумий профилактика

Паррандалардаги турли касалликларга қарши профилактика чораларига дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва гигиена қоидаларига риоя қилиш киради.

Кимёвий дезинфекция препаратлари ичида энг кўп тарқалганлари - каустик сода, формалин, хлорамин, карболов кислотаси, сўндирилмаган оҳак, сирка кислотаси; физик воситалардан ультрабинафша нури ҳисобланади.

Ҳашиллаб қуригач, 40% ли техник формалинга сув солиб, хона ўртасига қўйилади. унга калий перманганати солинади. Сўнгра эшик зич, 1 ёёааё аа её ёўёуёа ёаё. Аой аа маб 1 л³ учун 40 мл. формалин, 40 мл. сув ва 30 гр. калий перманганати меъёри олинади. Изоляция вақти 1 соат давом этади. Ҳарорат 20°C дан паст бўлмаслиги лозим. Бунда формалин (10 мл/1 м³, 20 дақиқа давомида) ёки 1% ли хлорамин эритмаси (20 мл/1 м³, 30 дақиқа давомида) ёхуд турли антибиотиклар (неомицин, тетрациклин, формазин, тилан, тилазин ва бошқалар)дан фойдаланса ҳам бўлади.

Товуқ, ўрдақ, ғоз, курка

Хонани кунига 20-30 дақиқа ультрабинафша нурида ёритиш ҳам яхши натижа беради.

Инкубаторга қўйиладиган тухумлар парранда хонадан олинган захотиёқ дезинфекцияланади. Бунда 1% ли хлорамин ёки 2% ли формалин ёхуд 3% ли сирка кислотаси ё 5% ли оҳак эритмаларидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳарорат 35-40°C бўлиши лозим.

Дезинсекция

Дезинсекция эндопаразитларни (кокцидия, гельминтлар) ва эктопаразитларни (пашша, кўпоёқлилар, кана) йўқотиш мақсадида амалга оширилади. Эктопаразитларни йўқотишда турли пестицидлар (хлорофос, дихлофос), эктопаразитларни йўқотишда эса кокцидиостатиклар (метилбромид, аммиак ва бошқалар) қўлланилади.

Канага қарши курашда хлорофос ёки карбофоснинг 1% ли эритмаси яхши натижа беради. Ишлов бериш паррандалар бўлмаган вақтда 2-3 маротаба 10 кун оралиғида амалга оширилади. Шунингдек тутингки, бунда препаратлар озуқа ва сувга, ҳатто идишларига ҳам тушмаслиги лозим.

Дератизация

Дератизация — кемирувчиларга қарши кураш чора-тадбирлари. Бунда кимёвий препаратлар ва механик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Гигиена қоидалари

Паррандачиликда гигиеник қоидаларга қатъий риоя қилиш улар саломатлигини таъминлаш ва юқори маҳсулдорликка эришишда жуда муҳим. Парранда парваришланадиган бино қуруқ, етарли даражада герметик ва иссиқ, деворлари оҳакланган бўлиши, шабадали (сквозняк) бўлмаслиги лозим.

Озуқа ва сувнинг сифатсизлиги парранда саломатлиги учун жуда катта хавф, шунинг учун ҳар доим тоза, янги сув ва озуқадан фойдаланиш лозим.

Нам озуқа бергандан сўнг озуқадонларни иложи борича тезроқ тозалаш керак. Касалланган паррандалар зудлик билан бошқаларидан алоҳида ажратилиши, изоляцияланиши, зарурат туғилганда йўқ қилиниши лозим.

Хованинг ёруғлиги ва иссиқлиги паррандаларнинг ёшига боғлиқ ҳолда бўлиши керак. Намлик даражасини меъёрида (50-65%) ушлаб туриш керак.

Парранда касалликлари

Қуйида қушларда, хусусан, паррандаларда энг кўп учрайдиган касалликлар, уларнинг сабаблари, аломатлари, даволаш ва ҳимоялаш чоралари хусусида қисқача маълумот келтирилган.

Парранда гриппи

А турдаги грипп вируслари нафақат одамларда, балки баъзи ҳайвонлар ва паррандаларда, жумладан, товуқ, ўрдак, чўчка, от, тюлень ва китларда ҳам учрайди. Паррандаларни зарарлайдиган грипп вируслари "парранда (қуш) гриппи" деб аталади. Баъзи паррандалар парранда гриппига у қадар мойил бўлмаса-да, барча паррандалар мазкур касаллик билан зарарланиши мумкин. Шунинг учун тутиш лозимки, мазкур касаллик ёввойи паррандалар орасида кенг тарқалиб, оғир кечмаса-да, хонакиларда оғир эпидемик ҳолатларни келтириб чиқаради.

А грипп вирусининг табиатда энг кўп тарқалган 24 хили мавжуд: Н1Н1, Н2Н2, Н2Н3, Н3Н2, Н3Н8, Н4Н2, Н4Н4, Н4Н6, Н4Н8, Н5Н1, Н5Н2, Н5Н9, Н6Н1, Н6Н2, Н6Н5, Н6Н9, Н7Н1, Н7Н2, Н7Н3, Н7Н7, Н9Н2, Н9Н8, Н10Н7, Н11Н9.

Паррандаларда касаллик аломатлари кўзга ташиланмаслиги мумкин, баъзан у маҳсулдорлик пасайишида кўриниши мумкин. Шу билан бирга, парранда гриппи аломатлари нафас олиш тизими касалликлари аломати сингари билиниши мумкин. Баъзан юқори патоген ҳолатларда касаллик яшин тезлигида ривожланиб, паррандалар қисқа муддатда ҳеч қандай аломатларсиз нобуд бўлади.

Касалликдан химояланишнинг ягона, ишончли йўли барча касаланган паррандаларни зудлик билан йўқотиш. Касалликка қарши бир қанча вакциналар мавжуд.

Паррандачилик сирлари

Вируслар совуққа чидамли бўлса-да, юқори ҳароратга чидамсиз. Шу боис касалланган паррандалар гўштини яхшилаб қайнатиб ёки қовуриб, истеъмол қилиш мумкин.

Тиф

Тиф касаллигини сальмонелла галинарум қўзғатувчиси келтириб чиқаради. Унинг чидамлилиги анча юқори: хона ҳарорати, қуёш нуридан ҳимояланган жойда 1 йилгача, қолдиқ ва тўшамаларда 2-3 ойгача яшайди. Касаллик зарарланган паррандадан бошқаларига тухум, тўшама, озуқа орқали юқади. Антисанитария ҳолатларида касаллик жуда тез тарқайди. Мазкур касаллик барча турдаги паррандаларда учрайди. Товуқ ва куркаларда, айниқса, 2-3 ойдан 6 ойгача бўлган ёшдагиларида бу касалликка мойиллик юқори.

Касалланган товуклар тожи ранги оқаради, ахлатида сариқ бадбўй суюқлик бўлади. Касалликнинг ўткир шаклида паррандалар тез қирилиб кетади.

Асосий профилактика чораси касалликка чалинган товукларни йўқ қилишдир. Жасади ёқилиб, сўндирилмаган оҳак ёрдамида ишлов берилади ва кўмилади. Қолган товуклар бошқа ерга кўчирилиб, хона тозаланади ва дезинфекцияланади.

Профилактика чораларидан бири: 10 кун мобайнида кунлик озуқа рационига миқдорининг 0,04% миқдорида фуразолидол кўшиш, 60-70 кунлик паррандаларни

вакцинациялаш ҳамда озучалантиришни кучайтиришдир.

Пастереллез

Пастереллез (паррандалар холераси) патоген микроорганизмлар — пастереллар томонидан қўзғатилади. Пастереллар анча чидамли бўлиб, гўнгда 6, жасадда 12, сув ва озучада 2 ҳафтагача яшайди. Улар қуёш нурида 2-3 кун ёки 45°C дан юқори ҳароратда нобуд бўлади. Ушбу касаллик зарарланган тухум, зарарланган тирик организмлар ва ҳаво орқали юқиши мумкин.

Мазкур касалликка, айниқса, курка кўп учрайди.

Касалланган парранда депрессия каби ҳолатда бўлади, иштаҳаси бўлмайдди, бурун тешигидан суюқлик келиб туради, тожи кўкаради, ичи кетади.

Касалланган паррандани даволаш учун озучалантиришни кучайтириш билан бирга кўкатлар ва А, В, D, Е витаминлари ҳамда рационига сульфамид препаратларини (0,3% ли сульфоквиноксалин) киритиш лозим. Бир ҳафта давомида сульфаметазин препаратини сувга (0,1%) ёки озучага (0,5%), шунингдек, сульфамерозин натрийни озучага (0,5%) қўшиб бериш яхши самара беради.

Профилактика мақсадида касалланган парранда йўқ қилинади. Хона ва инкубаторга қўйиладиган тухумлар дезинфекцияланиши лозим.

Пуллороз

Касаллик сальмонелла пуллорум бактериялари томонидан қўзғатилади. Улар анча чидамли бўлиб, парранда хонада 5-6 ойгача фаол бўлади. Тупроқда, айниқса, намлик даражаси паст тупроқда, 14 ойгача яшайди.

Касаллик касалланган товук ёки тухум (тухумнинг ташқи ва ички қисмидаги вируслар)дан, парваришловчи шахсдан, сув, озуқа, инвентар анжомлар ва ҳаво орқали юқиши мумкин. Касалланган парранда ахлати билан касаллик манбаи бўлган микроорганизмларни чиқаради ва тарқатади. Товуқларнинг зич ҳолатда парваришланиши, етарли даражада озуқаланмаслиги, антисанитария ҳолатлари, ҳавонинг совиши, бино ҳавосининг ёмонлашуви касалликнинг оғир тус олишига сабаб бўлади.

Пуллороз барча турдаги хонаки паррандаларда учрайди. Касаллик, айниқса, полапонларда оғир кечади.

Касаллик эмбрионал даврда бошланади, инкубатордаги эмбрионлар ва касалманд полапонларнинг юқори ўлим даражаси билан тугаши мумкин. Касалланган полапонларда инфекция ҳудудий характер касб этади, улар организмда ҳаётининг охиригача сақланиб қолади. Анча улғайган полапонларнинг ташқи кўринишидан касаллик аломатларини билиш қийин, фақатгина касаллик оғир формага ўтгачгина, сезиш мумкин. Улар иштаҳанинг

ёмонлашиши, маҳсулдорликнинг пасайиши, ич кетиши, кучли чанқоқ, жигар фаолиятининг ёмонлашуви натижасида нобуд бўлади.

Даволашда пенициллин, биомицин, неомицин каби антибиотиклардан фойдаланилади. Рационга 0,04-0,05% ли фуразолидон қўшиш ҳам яхши самара беради. У 1000 та жўжага 2-3 гр. дозада берилади. Террамицин, полимиксин, шунингдек, антибиотик билан нитрофуранларни бирга қўллаш яхши самара беради.

Профилактик чора-тадбирларнинг умумий шарти яхши озучалантириш, гигиенага риоя қилиш ва касалланган паррандаларни йўқ қилишдан иборат.

Колибактериоз (колисептицемия)

У инфекцион касаллик бўлиб, ичак таёқчаларининг (*Ешерихиа коли*) патогенли серотиплари томонидан қўзғалади. Касаллик паррандаларда ичак, юрак, жигар ҳамда ҳаво халтачаларининг зарарланиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, нафас олишнинг бузилиши билан намоён бўлади.

Қўзғатувчиси - ичак таёқчалари (*Ешерихиа коли*) грамманфий, спора ва капсула ҳосил қилмайди, одатдаги озуча шароитида яхши ўсади. Касалликни 0,2; 0,78; 0,1; 0,5; 0,408 номерли серотипларга мансуб патоген ичак таёқчалари қўзғайди. Ичак таёқчаларга мансуб микроблар ташқи муҳитда 4 ойгача яшайди, совуққа чидамли. Дезинфекторлардан 4% ли

Паррандачилик сирлари

ўювчи натрий эритмаси, 5% ли ксилонафт эмульсияси, 20% ли янги сўндирилган оҳак яхши таъсир қилади.

Касалликнинг яширин даври 1-10 кун давом этади, бу жўжаларда оғир ўтади. Касалланган жўжаларда иситма кўтарилади, иштаҳа йўқолади, ичак фаолияти бузилиб, ичи кетади. Тезаги суюқ, қон, шилимшиқ аралаш, жуда сассиқ бўлади. Орқа чиқариш тешиги атрофидаги патлари бир-бирига ёпишиб, тешикни беркитиб қўйиши мумкин. Натижада ахлат жўжа ичида қолиб, уни заҳарлайди, ўлимга олиб келади. 20 кунликдан ошган жўжаларда касаллик сурункали ўтади, уларнинг бир қисми тузалиб кетиши мумкин. Аммо улар яхши ўсмайди. Катта ёшдаги паррандаларда касаллик ойлаб, ҳатто йиллаб давом этади. Уларда колибактериознинг ташқи белгилари деярли сезилмайди, фақат баъзан тожи ва сирғалари оқаради, лоҳас бўлади, иштаҳаси йўқолади, қорни осилиб туради, баъзан ичи қотади, тухуми камайиб кетади.

Касалликни даволаш ва олдини олиш мақсадида антибиотиклар - биомицин ёки тетерациклин, синтомицин ёки левомидин, энтерит пайдо бўлганда, фуразолидин ишлатилади. Препаратлар озуқа билан 5-6 кун берилади. Бир кеча-кундузда ҳар бош жўжага биомицин билан тетрациклиндан 10-15 мг., фуразолидон 2-3 мг. дозада берилади.

Паррандаларни нитрафуран препаратларини антибиотиклар билан бирга бериб, даволаш ҳам мумкин. Колибактериозни аэрозол усулда

даволаш, олдини олиш усуллари ҳам ишлаб чиқилган.

Чечак дифтерити

Чечак дифтерити хонаки ва ёввойи паррандаларга хос юқумли касаллик бўлиб, уни филтрланувчи вируслар қўзғайди. Касаллик терида чечак тошмалари, оғиз, томоқ, нафас йўллари шилимшиқ пардаларида дифтеритли яллиғланишлар ривожланиши билан намоён бўлади.

Парранда чечак дифтерити ҳамма мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам учрайди.

Ҳозирги вақтда чечак дифтеритини қўзғайдиган 5 та: товуқ, каптар, канарейка, курка ва майна вируслари мавжуд. Бир турдаги парранда чечаги бошқа тур паррандага мослашиши ва уни касаллантириши мумкин. Масалан, каптар чечаги вируси товуқларга юқиши мумкин, бунда товуқлар енгил касалланади, уларда товуқ чечагига қарши иммунитет ҳосил бўлади. Бироқ бу иммунитет товуқ чечаги вирусидан вужудга келадиган иммунитетга қараганда кучсиз. Чечак вируси майда, чечак таначалари шаклида ҳам бўлади ва оддий микроскопда яхши кўринади. Чечак вируси сувда 200 кун, товуқ ахлатида 100 кун, нам тупроқда 400 кун яшаши мумкин. 600°C да 30 дақиқада, 1000°C да 5 дақиқада ўлади.

Чечак вирусини 1% ли ўювчи калий, 1% ли сирка кислота, 0,1% ли склема эритмалари 5

Паррандачилик сирлари

дақиқада, 2-2,5% ли карбол кислота эритмаси 1,5 соатда ўлдиради. Йод настойкасининг 1:400 нисбатдаги эритмаси вирусни тезда nobуд қилади.

Инфекциянинг яширин даври 3-8, баъзан 15-20 кун бўлиши мумкин. Касаллик натижасида парранданинг тожиси, тумшугининг чети ва ковокларида, баъзан пешона териси, панжаларида оч-сарик доғчалар пайдо бўлади. Кейин бу доғчалардан қизғиш тугунлар пайдо бўлади. Чечак 15-20 кун ичида тошади. Чечакнинг ҳар бир белгиси 6-7 кун ичида шаклланади, охирида сарғиш, қизил қўтир бўлиб котиб, тери устида яққол ажралиб туради. Чечаклар тўда-тўда бўлиб чиқиб, сўғалга ўхшаб бўртиб туриши ҳам мумкин. Чечак кўзнинг шилимшиқ ҳамда шох-пардалари ва кўз ости чуқурчасига ҳам тошади. Касаллик оғир ёки енгил кечишига қараб, 15 кундан 40 кунгача давом этиши мумкин.

Парранда чечагини даволайдиган махсус дори йўқ, лекин иккиламчи инфекциялардан сақлаш учун пенициллин, тетрациклин каби дорилар билан даволаш зарур. Шилимшиқ пардадаги дифтеритик пардалар кириб олиниб, ўрнига йод-глицерин, антибиотиклар суркалади.

Парранда яхши парварини қилинса, оқсил ва витаминларга бой майдаланган озуқалар бериб боқилса, паррандалар чечакдан кам nobуд бўлади. Чечакка қарши эмлашда каптар ва товук чечаги вирусларидан тайёрланган вакциналар қўлланади. Товук чечаги вирусидан тайёрланган вакцина билан эмланган товукқа 2 йилгача

касаллик юкмайди. Бундай вакцина билан чечак тарқалган хўжаликлар, ўтган йилларда чечак касаллиги чиққан хўжаликлар ҳамда чечак тарқалиш хавфи бўлган жойдаги паррандалар эмланади. Куркаларни 6 ойлигидан бошлаб эмлаш мумкин. Курка товуқ чечаги вирусининг вакцинаси билан эмланганда унда иммунитет ҳосил бўлади.

Нъюкасл

Нъюкасл касаллиги (Осиё тоуни, сохта тоун) товуқ туркумига хос (товуқ, курка, цесарка) ўткир, тез тарқалувчи, септик касаллик ҳисобланади.

Нъюкасл ҳамма қитъаларда тарқалган, Ўзбекистонда ҳам учрайди.

Касалликни филтрланувчи вирус қўзғатади. Вирус касал паррандалар сўлаганда, бурнидан оқадиган суюқликда, жигилдонда, ошқозон шилимшиқларида, ахлатида, қонида, тухумлари ва бошқа органларида ҳам бўлади. Вирус ташқи муҳитга касал товуқнинг чиқиндилари билан чиқади. Ташқи муҳитда вирус 2 ойгача қишда ундан ҳам узоқ яшайди. Музлатилган парранда гўштида вирус 3-4 ой, кўмилган ва чириётган гўштда 1 ой яшайди. Дезинфекцияловчи моддалар вирусни тез ўлдиради. Масалан, 2-3% ли ишқор, формалин, лизол ва бошқалар 10-20 дақиқа ичида вирусни ўлдиради.

Касалликнинг яширин даври 2-14 кунга тенг. Касал парранданинг иштаҳаси йўқолади, ҳолдан кетади, патлари ҳурпаяди, боши,

Паррандачилик сирлари

қанотлари ва думи осилиб туради, тожи ва сирғаси кўкаради, ҳарорати 43-44°C гача кўтарилади. Касал парранданинг нафас олиши қийинлашиб, кўпроқ ҳаво олиш учун бўйнини чўзиб, тушмуғини очади. Йўталганда қағиллагандек овоз чиқаради, аксиради, бошини силкитади, тумшуғи ярим очиқ бўлиб, шилимшиқ оқиб туради. Касалликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ичи кетади. Ахлати суюқ, қон аралаш бўлади. Кўпинча бўйни, оёқлари ва думи қисман ёки бутунлай фалаж бўлади.

Касалликка қарши курашишда, аввало, инфекция тарқалишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун хўжаликка келтирилган парранда 30 кун карантинда сақланиши шарт. Шу даврда паррандада касаллик аломатлари пайдо бўлмаса, уни фермага топшириш мумкин. Парранданинг касалга чидамлилигини ошириш учун уни кенг, ёруғ, қуруқ бинода асраш, пичанзорларда яйратиб туриш, рационга витаминли ва минерал моддали озуқалар киритиш керак. Паррандахоналар, парранда яйратиладиган жой ва ферма асбоб-ускуналарини ҳамиша тоза тутиш, уларни камида бир йилда икки марта дезинфекция қилиб туриш лозим.

Марек

Марек касаллиги тез юқувчи хавfli касаллик бўлиб, вируслар томонидан кўзватилади. Зарарланиш озуқа ва нафас йўли

ҳамда пат-парларнинг фолликулалари орқали содир бўлади.

Клиник белгилари: марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, оқсаш, қанот, бўйин ва думнинг шол (фалаж) бўлиши, кўз пардаси рангининг ўзгариши. 5 ойликкача бўлган паррандалар касалланганда 80% гача нобуд бўлади.

Касалликнинг олдини олиш учун эмланади. Самарали даволаш муолажалари ишлаб чиқилмаган. Касалликка қарши курашиш мақсадида парвариш технологиясига риоя қилиш, режали эмлаш ва дезинфекция ўтказиб туриш тавсия этилади.

Аскаридоз

Товуқ аскаридози товуқларнинг ингичка ичакларида юмалоқ гельминтларнинг паразитлик қилиши оқибатида юзага келади. Шунингдек, курка, роз ва ўрдақлар ҳам бу касаллик билан касалланиши мумкин. Товуқлар ўз тезаги билан ажратган гельминт тухумлари юқори босқичгача ривожланганда, такроран озуқа билан зарарланадилар. Айниқса, 2-10 ойгача бўлган ёш паррандалар оғир касалланади, нобуд бўлади. Касал жўжа ва товуқларда иштаҳанинг йўқолиши, кам ҳаракатланиш, озиш, тож ва сирвачаларнинг оқариши, ич кетиши каби белгилар кузатилади. Якуний диагноз лаборатория шароитида тезакдан гельминт тухумлари бор-йўқлигига қараб қўйилади.

Паррандачилик сирлари

Касалликка қарши курашда тўйимли озукалантириш, яйраш майдончаларини алмашлаб ва тозалаб туриш, товуқларни механик тозалаш, барча жиҳозларни дезинфекциялаш зарур. Гельминтларга қарши пинеразин тузлари, нилверм, фенбендазол, ацетомизол, панакур ва бошқа препаратлар йўриқномалар асосида қўлланилади.

Туберкулез (сил)

Сил — сурункали касаллик ҳисобланиб, ҳайвоннинг ўпка, ичак, лимфа тугунлари каби аъзоларида ўзига хос турда туберкула тутунаклар ҳосил бўлиши билан характерланади. Туберкулез билан барча ҳайвонлар, парранда ҳамда одамлар касалланади. 4 гуруҳга кирувчи таёқчасимон бактериялар касалликни кўзгатувчи ҳисобланади. Касаллик манбаи — касал паррандалар. Серологик текширув ва аллергия реакция — туберкулинизация ўтказилиб, якуний диагноз қўйилади.

Касаллик олдини олишнинг махсус воситаси йўқ, лекин паррандаларни яхши асраш, тўла рационли озукалантириш, микроиклимга риоя қилиш талаб этилади. Даволаш муолажаси ишлаб чиқилмаган, касал паррандалар мажбурий йўқотилади. Туберкулез аниқланса, касалликка қарши курашиш мақсадида карантин ўрнатилади. Носоғлом фермада якуний дезинфекция ўтказилади, текшириш ҳар 2 ойда бир мартаба ўтказилиб боради.

Витамин ва минераллар тақчиллиги билан боғлиқ касалликлар

Паррандаларни меъёрида парваришларида минераллар жуда зарур. Уларнинг энг асосийлари: кальций, фосфор, марганец.

Кальций, фосфор

Мазкур минераллар ионлари тана тўқималари суюқликларида электролитлар шаклида бўлади ва алоҳида элементларни фасфлатирилади. Фосфатлар (орто)фосфор кислотаси тузи ёки эфир) кўплаб протеинлар ва уларнинг аминокислоталари, липидлар ва нуклеин кислоталар таркибига киради. Шунинг учун кальций ва фосфор миқдори ва рацион таркибидаги ҳар қандай ўзгариш парранда организмда сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Фосфор ва кальций етишмаслиги полапонларда суяк ўсишини сусайтиради. Фосфор ва кальцийнинг суяк таркибидан чиқиб кетиши ва умумий модда алмашинувида сарфланиши суякнинг мўртлашиши ва тухум пўчоғининг юпқалашишига олиб келади. Узоқ вақт давом этадиган минерал тақчиллиги оқибатида паррандалар суяклари мўртлашиб, рахит авж олади, ўсиш тўхтайдди, патлари тўкилиб, қўйган тухумларини чўқиб ташлайди.

Минерал моддалар алмашинувини тўлақонли таъминлаш учун паррандаларнинг рационига минерал қўшимчалар (бўр, суяк кукуни, тухум

Паррандачилик сирлари

пўчоғи кукуни, карам барглари, сабзи, фосфатлар ва бошқ.) қўшиш лозим.

Марганец

Марганец тақчиллиги паррандаларнинг маҳсулдорлиги ва ҳаётий қобилияти (яшаб кетиш имконияти)ни пасайтиради. Паррандаларнинг тухум қўйиш имконияти, шунингдек, тухумларнинг инкубацион сифатлари ҳам пасаяди. Марганец тақчиллиги паррандаларда перозис касаллигига чалинишнинг авж олишига олиб келади. Мазкур касаллик 5 ҳафталик даврдан бошланиб, парранданинг кейинги ҳаёти давомида суяқлар ривожланишининг бузилиши билан давом этади. Биринчи навбатда, оёқ бўгинлари нотўғри ривожланади, ҳаракатланиш функциясининг бузилиши холин (витамин D₃) ва биотин (витамин Н) тақчиллиги билан авж олади.

Профилактика мақсадида рационга марганецга бой озукалар (суяк ва балиқ уни) ёки марганец тузи (марганец сульфат) қўйиш лозим.

Натрий хлор

Натрий хлор (ош тузи) асаб импульсларининг тўқималарга ўтиши ва метаболитларнинг мембраналарга сингишини таъминлайди. Хлор ҳазм қилиш функциясини бажарувчи ошқозон суюқлиги ва HCl (туз кислотаси ёки водород-хлорид кислота) кислотасининг таркибий элементи

ҳисобланади. Натрий хлор тақчиллиги модда алмашинувининг бузилишига олиб келади, натижада маҳсулдорлик ва ҳаётий қобилият пасаяди.

Профилактика мақсадида рационга ҳар кг. озуқага 2-4 гр. миқдорида натрий хлор (ош тузи) қўшиш лозим. Юқори концентрация паррандаларда, айниқса, полапонларда заҳарланиш ҳолатини келтириб чиқаради. Товуқ ва курка болалари рационига ҳар кг. озуқага 7-8 гр. натрий хлор (ош тузи) қўшилиши (айниқса, ичимлик суви тақчиллигига учраса) уларни нобуд қилади.

Рух

Рух (цинк) тақчиллигида тана илик суякларининг шаклланиши бузилади: улар ингичкалашиб, мўрт бўлади, бўгин суяклари эса йириклашади. Натижада парранданинг фаоллиги пасаяди. Шунингдек, некротик дерматит (айниқса, оёқ ва бармоқ терисида) пайдо бўлади.

Рационга кириши лозим бўлган минералларга кобальт, йод, селен, олтингугурт, темир, мед киради.

Авитаминозлар

Авитаминозлар — рационда А, В, D, Е ва бошқа витаминларнинг етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касаллик. Қуйида витаминларнинг тақчиллиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ҳақида сўз юритамиз.

А витамини

А витамини кўриш қобилиятини яхшилайдди, шабкўрликнинг олдини олади. Тери қобиғи, нафас олиш йўлларининг ҳимоя қобилиятини кучайтиради, оксиллар, ёғлар ва минерал тузлар алмашинувида қатнашади. Сабзи, қовоқ, карам, помидор, спаржа, кўк нўхот, ловия А витаминига бой.

А витамини етишмаслиги оқибатида эпителиар метаплазия касаллиги келиб чиқади. Эпителиар ҳужайралар ўз функциясини йўқотади. Кўзнинг кўриш қобилияти пасаяди. Суяк аномалияси (ўсишнинг бузилиши, суяк деформацияси) келиб чиқади, тана ва патларнинг ўсиши сусаяди. Маҳсулдорлик ва тухум сифати пасаяди.

Профилактика мақсадида рационга каротин моддасига бой озуқалар (жўхори, люцерна, беда, қичитқи ўт, сабзи, қовоқ, кўк пиёз, шолғом...) ва бошқа препаратлар киритиш лозим.

В, витамини

В, витамини (диомин) овқат ҳазм қилишни яхшилайдди, асаб тизимига ижобий таъсир қилади, юрак мускуллари ишини яхшилайдди. Тери қобиғининг янгиланиши, тикланиши жараёнида қатнашади, углеводлар алмашинувида иштирок этади. В, витамини оқланмаган гуручда, кўк нўхот, жигар, кабачки, картошкада бўлади.

B_1 авитаминози асосан 2-5 ҳафталик полапонларда кузатилади. Касаллик тез кечади, парранда озиб, қувватсизланади, кам ҳаракатланади, тез-тез кўкраги билан ётиб, бўйинини чўзади. Касалликнинг белгиларидан яна бири патининг секин ўсиши, экссудатив дерматит, "тути тумшуғи", кўз атрофи ва тумшук дерматити, жигар ва буйрак фаолиятининг бузилиши.

Профилактика мақсадида рационни B_1 витаминига бойитиш, яъни унга ҳамиртуруш, соя уни ва бошқалар қўшиш лозим.

B_2 витамини

B_2 витамини (рибофлавин) углевод, оксил, ёғлар алмашинувида иштирок этади, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшилайдди, марказий асаб тизимига яхши таъсир этади, терининг янгиланиш жараёнида иштирок этади. Қуйидаги маҳсулотлар B_2 витаминига бой: парранда гўшти, пишлок, қўзиқорин, ловия, сельд, сузма, мол гўшти, устрица, тухум.

B_2 витамини тақчиллиги асаб тизимининг бузилиши ва фалажни келтириб чиқаради. Касалланган парранда ўсишда ортда қола бошлайди, ҳаракатини координация қила олмайди. 3 ҳафтагача бўлган ёшдаги паррандаларда, айниқса, товуқ ва куркаларда, оёқ фалажи, бармоқларнинг эгри ўсиши (ўралиши) кузатилади.

Профилактика мақсадида рационга кўкат, сут маҳсулотлари, ҳамиртуруш (дрожжа) қўшилади ҳамда ёғ ва протеинга бойитилади.

B_{12} витамини

B_{12} витамини овқатни ҳазм қилиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Оксиллар, ёғлар, углеводлар алмашинувида қатнашади. Марказий асаб тизимини мувофиқлаштиради. B_{12} витамини устрица, сельд ва сардина балиқларида, тухум сариги ва гўштда кўп бўлади.

B_{12} витамини тақчиллиги маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади. Товуқларни тўшама устида боққанда бу касаллик қафасларда боққандан кўра камроқ учрайди. Касалланган паррандалар камҳаракат бўлиб, асосан ётади.

Профилактика мақсадида рационга B_{12} витаминига бой озуқалар (балиқ ва гўшт-суяк уни, куритилган сут) киритиш лозим. Антибиотик (биовита 40)лардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

D витамини

D витамини овқатни ҳазм қилиш жараёнида ҳамда кальций, фосфор алмашинувида қатнашади, организмнинг касалликка қаршилигини кучайтиради. D витамини, айниқса, сельд, лосос ва сардина балиқларида, тухум саригида кўп бўлади.

D витамини минераллар, айниқса, фосфор ва кальцийнинг ўзлаштирилишида иштирок этади. Унинг тақчиллиги рахит касаллигини келтириб чиқаради, айниқса, оёқ, тумшуқ ривожланиши бузилади. Буларнинг барчаси ривожланишнинг

сусайиши ва маҳсулдорликнинг пасайишига, тухум пўстлоғининг юпқалашувига олиб келади. Рациондаги D витамини тақчиллигининг ўзига хос оқибатлари кўкрак қафасининг торайиши ва нотўғри ўсишидир. Парвариллаш шартлари бузилганда (зичлик ортиганда, хона намлиги юқори бўлганда ва газланганда) D авитаминози тез ривожланади.

Профилактика мақсадида рационга D витаминига бой озуқалар (бўр, гўшт-суяк уни, сўндирилган оҳак ва бошқалар)ни киритиш, паррандаларни "сайр" қилдириш керак.

Е витамини

Е витамини фақат ўсимликлар томонидан синтезланади. Ҳайвонлар организми уни синтезлашга қодир эмас. Е витамини антиоксидант кучга эга бўлиб, озуқа таркибидаги моддаларни, айниқса, ёғларни оксидланишдан сақлайди. Е авитаминози билан 3-5 ҳафталик полапонлар касалланади. Касаллик умумий ҳолсизлик, камҳаракатлилик, иштаҳанинг бўғилиши, ҳолдан кетиш ва ўлим билан характерланади. Касалликнинг оғир кўринишида ҳаракат координацияси бузилади, фалаж, қанот ва оёқ мушакларининг қисқариши кузатилади. Полапонлар ҳушини йўқотиб, нобуд бўлади.

Профилактика мақсадида рационга кўк ўтлар, маккажўхори, соя ва сут маҳсулотларини киритиш лозим. Рационга селеннинг киритилиши Е витаминининг ўзлаштирилишини осонлаштиради, Е авитаминозининг олди олинади.

B₃ витамини (никотин кислотаси)

B₃ витамини углеводлар, оксиллар, ёғлар алмашинувида иштирок этади. B₃ витамини парранда, қўй гўшти, лосос, кўк нўхот таркибида кўп бўлади.

B₅ витамини (пантотен кислотаси)

Модда алмашинуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга. B₅ витамини форел ва сельд балиқлари, пишлоқ, грек ёнғоғи, тухум сариги, қисқичбақа, парранда ва мол гўшти таркибида кўп бўлади.

B₆ витамини (пиридоксин)

Ёғ ва оксиллар алмашинувида иштирок этади. Тери тўқималарининг қайтадан тикланиш жараёнида иштирок этади, иммунитетни кучайтиради. Грек ёнғоғи, балиқ, лаҳм гўшт, парранда гўштида B₆ витамини кўп миқдорда бўлади.

B₉ витамини

Тўқималарнинг бўлиниш жараёнида қатнашади. Организмлар, тўқималарнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этади. B₉ витамини тухум саригида, қанд, салат, гулкарамда кўп бўлади.

С витамини

Иммунитет тизимига ижобий таъсир қилади. Ёғларнинг сўрилиш жараёнида қатнашади, тери тўқималарини тиклайди. Тўқималар ва томир деворларини мустаҳкамлайди. С витамини лавлаги, пиёз, кўк нўхот, карам, картошка, помидор, олмада ниҳоятда кўп.

Н витамини (биотин)

Моддалар алмашуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга. У асаб тизимига ижобий таъсир этади. Тери тўқималарининг тикланиш жараёнида қатнашади ҳамда углеводлар ва ёғли кислоталар алмашувига ижобий таъсир қилади. Тухум сариги, грек ёнғоғи, бодом, сардина, қўзиқорин, оқланмаган гуручда, қисқичбақа, сабзи, помидорда Н витамини кўп бўлади.

К витамини

Қоннинг қуюлиш хусусиятини кучайтиради. Суяк протеини пайдо бўлиш жараёнида иштирок этади. К витамини кўк карамда, гулкарамда, ловияда, бодрингда, кабачкида, помидорда, пушти карамда бўлади.

Салатлар, уларнинг таркибига кирувчи ҳар хил маҳсулотлар минерал моддалар манбаидир. Сабзавот, гўшт, балиқ, денгиз маҳсулотлари ва ҳар хил ўсимлик ёғларидан тайёрланган калорияли яхна газаклар организмни керакли

Паррандачилик сирлари

органик моддалар: оксиллар, ёғлар, углеводлар билан таъминлайди.

V_3 , C , K , V_6 , H , D_4 (холин), никотин ва бошқа витаминларнинг тақчиллиги ўсиш, ривожланиш ва маҳсулдорликнинг турлича бузилишига олиб келади. Уларнинг рационга киритилиши авитаминознинг олдини олади. V_3 яшил ўтда, C кўк пиёз, сабзи, мева ва сабзавотларда, V_6 яшил ўт ва илдизмеваларда, гуруч ва буғдой ёрмасида, K сабзи, қовоқда, никотин оксилли озуқаларда, карамда ва ёрмаларда, биотин хамиртуруш (дрожжа), ёрма, сабзи ва кўкатларда, холин бедада кўп миқдорда мавжуд.

Тухумнинг тухумдонда туриб қолиши

Мазкур ҳолат одатда парранда йирик тухум қўйганда учрайди. Бу паррандаларда фалажлик пайдо бўлганда, қўрққанда, шикастланганда ҳам учрайди. Бундай ҳолларда уларга ёрдам бериш муҳим. Бундай паррандаларнинг клоакасини иситиш, сўнг вазелин суркаш керак. 2-3 соат ўтгач, парранда тухум қўяди. Агар бу усул фойда бермаса, унинг клоакасига вазелин суриб, тухум тортиб олинади. Тухум йирик бўлса, синдирилиб, секин чиқариб ташланади ва яхшилаб тозаланади. Тухумнинг тухумдонда узоқ муддат туриб қолиши парранданинг нобуд бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

Заҳарланиш

Паррандаларни сифатсиз озуқалантириш ёки рационга заҳарли озуқалар қўшганда заҳарланиш ҳоллари учрайди. Рационда оқсилларнинг рационда ортиб кетиши оқсилли заҳарланишни келтириб чиқаради, натижада танадаги оқсил алмашинуви бузилади ва ўсишга тўсқинлик қилади.

Ёғли заҳарланиш таркибида қийин парчаланадиган ёғлар мавжуд бўлган озуқалар билан озуқалантирганда содир бўлади. Бундай заҳарланиш 2-6 ҳафталик ёш полапонларда кузатилади, катта ёшдагилари бунга анча чидамли бўлади. Касалланган паррандаларда нафас олишнинг қийинлашуви, ҳаракат координациясининг бузилиши, умумий депрессия кузатилади. Патлари тартибсиз бўлиб, ўзи ҳолсиз ва камҳаракат бўлади.

Паррандалар учун ўсимликларнинг баъзилари заҳарли ҳисобланади. Тузланган маҳсулотлар, қўзиқоринлар заҳарланишга олиб келади, шунинг учун узоқ муддат, айниқса, намлик юқори бўлган жойда, сақланган озуқалардан фойдаланмаслик лозим. Ғалла ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сақлашда фойдаланилган кимёвий воситалар ҳам заҳарланиш сабабларидан бўлиши мумкин.

Заҳарланишнинг паррандалардаги умумий белгилари: кучли чанқаш, ич кетиши, фалажлик, ҳолсизлик, камҳаракатлилик, қанотларини пастга тушириб юриши, патларининг тўзғиши, кўзининг бўғиқ тус олиши, умумий депрессия.

Паррандачилик сирлари

Профилактика мақсадида рациондан сифатсиз ва захарли озуқаларни чиқариб ташлаш лозим.

Иссиқлик зарби

Мазкур ҳолат ҳаво ҳароратининг парранда ҳароратига яқин бўлганида ($41-42^{\circ}\text{C}$) кузатилади. Ҳаво ҳарорати ошганда паррандалар тумшугини катта очиб, тез-тез нафас олиш орқали танадаги ортиқча ҳароратни чиқаради. Бундай ҳароратда уларнинг кафасларда зич жойлаштирилиши, айниқса, намлик юқори бўлган ва юқори ҳароратда уларни транспортировка қилиш ўлим ҳолларини кўпайтиради. Полапонларни транспортировка қилишда ҳароратнинг $25-30^{\circ}\text{C}$ орасида бўлиши ва ҳаво оқимининг суст бўлиши жуда муҳим.

...

Товуқчиликни ривожлантириш соҳа мутахассислари ва масъул шахслар зиммасига юкланган долзарб вазифалардан саналади. Хусусан, ветеринария соҳаси мутахассислари паррандаларнинг соғлигини таъминлаш учун баъзан даволаш - профилактик муолажаларнинг режали ва сифатли ўтказилмаслиги оқибатида уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлиб, ёш жўжаларнинг кўплаб nobуд бўлиши, ўсувдан қолиши, тухум маҳсулдорлигининг пасайиши,

ортиқча дори-дармон ва озуқа сарф-харажатининг кўпайиши эвазига катта иқтисодий зарар кузатилмоқда.

Ваҳоланки, бугун бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий мақсади мавжуд имконият ва интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиб, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш ҳамда тежамкорлик эвазига юқори рентабелликка эришишга йўналтирилган.

Республикамизнинг товуқчилик тармоғи кейинги йилларда турли мулкчилик шакллари — паррандачилик акциядорлик жамиятлари, товуқчилик фермерлари ва хусусий тадбиркорлар томонидан кенг қамровли ривожланиш босқичида фаолият олиб борилмоқда, соҳа тараққиётига асосий тўсқинлардан бири паррандалар орасида кўп учрайдиган юқумли, инвазион касалликлар хисобланади.

Паррандачилик — чорвачиликнинг энг сердаромад тармоқларидан бири. Сўнгги йилларда, иқтисодий ислохотлар шароитида фаолият кўрсата бошлаган кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлар ҳам мазкур соҳани афзал кўрмоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тухум йўналишидаги бир бош товуқ бир йилда 220-250 тагача тухум бериши ва гўшт йўналишидаги жўжа кунига 35-45 гр. семириши эвазига тадбиркор учун яхшигина даромад келтиради. Аммо бу самарадорлик

Паррандачилик сирлари

кўрсаткичларига эришиш учун қатор зоотехник ва ветеринария тадбир-муолажаларни бажариш талаб этилади.

Барча товукчилик фермалари ва паррандачилик хўжаликлари "Берк-ёпиқ" корхона ҳисобланиб, атрофи деворлар билан ўраб олиниши, автоуловлар кириб-чиқиши учун дарвоза (дезинфекцион тўсиқ билан) ҳамда пиёдалар учун алоҳида (санитар тўсиқ билан) жиҳозланиши ва тегишли ҳудудлар кўкаламзорлаштирилиши талаб этилади. Чунки кўпчилик товукчилик фермалари мослаштирилмаган биноларда ва ветеринария-санитария назоратсиз ташкил этилаётганлиги паррандалар орасида турли касалликларнинг тарқалиши хавфини ошириб, эпизоотик ҳолатни мураккаблаштирамоқда. Шунинг учун паррандачиликда ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларига риоя қилиш, товукхоналар қурилиши ва жиҳозланиши, сугориш ва озиқлантириш тизимининг меъёрида ишлаши, бинолардаги микроиклимнинг мақбул даражада бўлиши каби қулай шароитларнинг яратилиши товуклар орасида соғлом эпизоотик вазият учун замин ҳисобланади.

Биз қуйида мазкур юмушларни умумлаштирган ҳолда қисқача уч гуруҳга бўлиб, оммабоп тилда баён этишни лозим топдик. Яъни, бу учлик — жўжа ва товукларни асраш, озиқлантириш ҳамда ветеринария муолажаларидан иборат.

Паррандаларни асраш

Паррандалар, одатда, катакли қафаслар ва қалин тўшамали ерда (қалинлиги 10-20 см.) меъёрий микроиклим шароитида боқилиши талаб этилади. Бунинг учун бино оқланиши, дезинфекция ўтказилиб, иситиш, шамоллатиш ва ёритиш воситалари билан таъминланган бўлиши лозим.

Жўжаларни асрашда дастлабки 5 кунда - хона ҳарорати $+32^{\circ}\text{C}$ — $+36^{\circ}\text{C}$ бўлиши, 10 кундан кейин эса $+26^{\circ}\text{C}$ — $+28^{\circ}\text{C}$, сўнгги ҳар ҳафтада $+2^{\circ}\text{C}$ дан пасайтирилиб, $+18^{\circ}\text{C}$ — $+20^{\circ}\text{C}$ да бўлиши лозим. Ҳарорат пасайганда жўжалар камҳаракат бўлиб, нобуд бўлиши кузатилади. Ҳароратни назорат қилиш учун эса ердан 20 см. баландликда термометр қўйилади.

Товуқлар учун хонадаги ўртача ҳарорат $+16^{\circ}\text{C}$, $+18^{\circ}\text{C}$, $+20^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиши зарур. Ҳароратнинг қишда пасайиши ёки ёзда кўтарилиб кетиши уларнинг маҳсул-дорлиги камайишига сабаб бўлади.

Паррандахонанинг нисбий намлиги 60-70% атрофида бўлиб, ёритиш режимига ҳам риоя қилиниши зарур. Жўжалар боқилаётган хона дастлабки 2 кунлик ёшида 24 соат, сўнггра 16-12 соат атрофида ёритилади. Тухумдор товуқларнинг хонаси эса ўртача 14-16 соат ёритилади.

Паррандачилик сирлари

Паррандаларни озиклантириш

Жўжа ва товукларни меъёрий рационлар асосида мувофиқлаштирилган озуқалар билан боқиш муҳим ўрин тутadi. Чунки парранда организми озуқа моддаларининг етишмовчилигига жуда сезгир бўлиб, уларнинг ҳар бирини "тирик лаборатория" дейиш мумкин. Яъни, улар организмида бирор озуқа ёки витаминнинг етишмаслиги натижасида мўлжалдаги маҳсулдорликка эришиб бўлмайди.

Шунинг учун паррандаларни омухта емлар билан меъёрда озиклантириш мақсадга мувофиқ. Бир кеча-кундузда жўжалар 3-6 марта (ёшига қараб), товуклар 3-2 марта озиклантирилиб, озуқа миқдори 5-10 граммдан, 110-140 граммгача (товукларга) берилади. Озуқа таркиби — маккажўхори дони, буғдой (ёрма ҳолатда), соя кунжараси, кепак, балиқ уни, гўшт-суяк уни, беда уни, ёғ, ош тузи, минерал қўшимчалардан иборат бўлиб, мутахассис маслаҳати билан парранданинг маҳсулдорлик йўналишига мос равишда мувофиқлаштирилган нисбатларда рацион тузилиши зарур.

Паррандачиликда ветеринария муолажалари

Барча соҳада бўлганидек, сўнгги йилларда Республикамиз паррандачилик тармоғида ҳам хорижий давлатлар билан узвий ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Айни пайтда эпизоотик жараён

мураккаблашиб, ветеринария мутахассисларидан ҳушёрликни талаб этади.

Республика ветеринария хизматининг мавжуд йўриқномалари ва мутахассис олимлар томонидан тайёрланган тавсиялар бўйича товуқчилик ҳўжаликларидаги паррандаларни "Эпизоотияга қарши тадбирлар режаси" (лойиҳаси) асосида белгиланган схема бўйича эмлаш талаб этилади. Ушбу эмлаш муолажалари асосан ёш ва ўсувчи ҳўжалар орасида ўтказилиб, дастлаб ҳўжаларнинг 1 кунлигида марек касаллигига қарши, 8 ва 10 кунликларида (2 марта) гамборо касаллигига қарши, 14, 35 ва 70 кунлик ёшида (3 марта) ньюкасл касаллигига қарши, 28 ва 60 кунликларида (2 марта) инфекцион ларэнготрахеит касаллигига қарши, 40 ва 80 кунлигида (2 марта) инфекцион бронхитга қарши, 120 кунлигида чечак касаллигига қарши эмлаш ўтказилиши зарур.

Ҳўжалар орасида колибактериоз, эймериоз (кокцидиоз) ва бошқа ичак энтеробактериозлари ҳам алоҳида ҳолатда ёки аралаш шаклда кўп учраб, оғир асорат беради ва катта талофат етказди. Ушбу касалликларга қарши самарали кимё профилактик воситалар мавжуд эмаслиги сабабли соҳа тадқиқотчилари томонидан антибиотик ва кокцидиостатиклар, жумладан, "Коликокстат" ва "Коликокцид" препаратлари антибактериал ва антиэймерий таъсир этувчи аралашмалар шаклида тавсия этилган бўлиб, мавжуд йўриқнома асосида қўлланилганда самарали химиопрофилактик ва даволовчи таъсир кўрсатади. Шунингдек,

Паррандачилик сирлари

жўжаларга дастлабки кундан бошлаб А, Д, Е, С ва В гуруҳига кирувчи витаминларни, турли микро ва макро элементларни, айрим стимулловчи воситаларни белгиланган меъёрларда бериб борилиши касалликларнинг олдини олиб, парранда организмининг касалликларга нисбатан чидамлилигини (резистентлигини) оширади, уларнинг соғлом ўсиб етилиши ҳамда маҳсулдорлигининг ортишида муҳим аҳамият касб этади.

ТУХУМ

Товуқ тухуми майин ва хушбўй мазали, тўйимли овқат маҳсулотидир. Унинг ўртача кимёвий таркиби (пўчоғидан ташқари) қуйидагича: 73,6% сув, 12,8% оқсил, 11,8% ёғ, 1,0% углевод, 0,8% минерал моддалар (кальций, фосфор ва бошқалар). Булардан ташқари, товуқ тухумида ҳаёт учун муҳим ҳисобланган аминокислоталарнинг барчаси бор.

Тухумнинг энг фойдали қисми унинг саригидир. Тухум саригининг ранги товуққа берилган овқатнинг тури ва тухумлаш мавсумига қараб ҳар хил (оч сариқдан қизғиш сариққача) бўлади.

Бир вақтлар тухумни битмас-туганмас холестерин манбаи деб ҳисоблаб, ҳафтада биттадан ортиқ ейиш тавсия этилмас эди. Энди бса тухумда оқсил ва фойдали озуқалар кўплиги, турли касалликларга қарши курашувчи хусусиятга эгалиги тан олиниб, бир кунда бир марта ейиш тавсия қилиняпти.

Тухум таркибида сув, оксил, минерал моддалар, кальций, марганец, цинк, мис, йод элементларидан ташқари, ҳаёт учун зарур бўлган А, D, E, В₁, В₂, В₆, В₁₂, К, ҳатто F витаминлари ҳам бор. Айниқса, F витамини тана тизими фаолияти учун жуда муҳим.

Икки дона тухум тахминан 140 калория қувватга, 12 грамм оксилга эга. Тухумлар ичида энг яхшиси товуқнинг янги тухумидир.

Тухум парҳез овқатлар қаторига киради. Унинг сариғи (хоми, чала ва қаттиқ пиширилгани) киши организмда яхши ҳазм бўлади. Пиширилмаган оқи эса қийинроқ ҳазм бўлади, пиширилганда осон ҳазм бўлади. Касал ва дармонсиз кишиларга ҳам тухум истеъмол этиш тавсия қилинмайди.

Тухумни узоқ сақлаб бўлмайди. Пўчоғининг ғовакларидан ҳаво билан биргаликда турли микроорганизмлар кириб, унинг бузилишига сабаб бўлади. Уни қуруқ, ҳавоси тоза, ҳарорати 2°С дан юқори бўлмаган салқин жойда сақлаш керак. Тухум нотўғри (пўчоғи ифлос бўлса, зах жойларда турса) ва узоқ вақт сақланса, оқи қуюлиб, сариғи жойидан қўзғалиб, пўчоғининг ички томонига ёпишади ва у жойда моғор пайдо бўла бошлайди. Тухум узоқ вақт сақланганда сариғи оқи билан аралашиб, мазаси бузилади, сасий бошлайди. Бундан ташқари, тухум ҳароратнинг тез-тез ўзгариб туришига бардош беролмайди. Ҳарорат 21°С ва ундан ошганда муртаги ривожлана бошлайди, сариғининг ташқи қисмида ҳалқа шаклидаги қон томирлари кўзга ташланади. Бундай тухумлар истеъмол қилишга ярамайди.

Паррандачилик сирлари

Тухумнинг сифатини овоскоп аппарати ёрдамида аниқлаш мумкин. Бу аппарат тухум ички қисмини яхши кўрсатади. Янги, яхши сақланган тухумнинг ясси томонида, пўчоғининг ичида кичик бўшлиқ жойи бўлади. Ёруғликка тутиб қараганда, тухумнинг ўртасида жойлашган сариғи хира кўриниб туради. Тухумнинг бузилган-бузилмаганини билиш учун уни устидан кафт билан тўсиб, ёниб турган лампочка нурига солиб кўрилса ҳам бўлади. Бунда бир оз эскирган тухумнинг ичи хира, бузилганлариники эса тим қоронғи кўринади. Тухум узоқ сақланган бўлса, қўлга олиб силкитганда лиқиллайди. Одатда бундай тухумнинг оқи-сариғи аралашиб кетган бўлади.

Тухум пўчоғида 90% кальций карбонат, шунингдек, фтор, темир, мис, молибден, марганец, фосфор, олтингугурт, рух, кремний сингари моддалар бор. Шуниси қизиқарлики, тухум пўчоғи таркиби кишининг суяғи ва тишлари таркибига жуда ўхшаш — мос келади. Ана шу хосияти билан у анемияда фойдали.

Маълумки, суякларда кальций моддаси етишмаса, моддалар алмашинуви бузилади. Болаларда рахит хасталиғи пайдо бўлади, тишлар нотўғри ўсади, умуртқа поғонаси қийшаяди. Кекса кишиларда эса суяклар мўрт бўлиб қолади. Бу модда алмашинувининг бузилиши камқонлик билан кечади. Шуларнинг олдини олишда янги тухум пўчоғини қўллаш фойдали.

Тухумнинг шифобахш хусусиятлари

Тухум нафақат тўйимли озуқа, балки у билан турли касалликларни даволаш мумкин.

Табибларнинг айтишича, қовурилган тухум сариғи юрак ва мия мушаклари тўқималарини мустаҳкамлайди. Шунингдек, у ошқозон, буйрак, ичак, сийдик пуфағи учун ҳам фойдали.

Тухумни сувда, бугда пиширганда ва қовурганда кимёвий ўзгаришлар бўлади. Иссиқда унинг сариғи таркибидаги ёғ моддаси эриб, нафис эмульсия ҳосил қилади. Бу ҳазмни осонлаштиради. Тухумни узок қайнатганда оқи қотиб кетади, натижада ҳазм бўлиши қийинлашади. Хом тухум сариғида овидин номли модда бўлади. У аъзои-танада доридармонларнинг алмашинувини қийинлаштиради. Шунинг учун болаларга хом тухум бермаслик керак.

Халқум дағаллашиб, овоз яхши чиқмаган пайтда илитилган тухум шифо бўлади.

Сариғини аталаб, илиқ ҳолида ичиш йўтал, сил, иссиқдан овоз бўғилиши, қон туфлашга даво.

Оғир тузлар (симоб ёки мис) билан заҳарланишда энг мақбули тухум саригидир.

Ошхона сиркаси билан қайнатиб пиширилган тухум юрак фаолиятини яхшилайдди.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари иши бузилганда тухум оқига озгина туз солиб ичилса, кифоя.

Мигрен ёки асабийлик натижасида бош оғриганида қайноқ сутга хом тухумни аралаштириб, бир неча кун ичиб турилса, бас.

Невральгия хуружларида тухумни икки қисмга бўлиб, қайноқ ҳолида оғриётган жойга қўйилса, тухум совутунича оғриқ ҳам босилади.

Бола яхши ўсмаётган бўлса, икки стакан илиқ сутга янги тухумни аралаштириб, ҳар куни 3-4 маҳалдан ичириб туриш фойдали.

...

Ҳиқилдоқ ёки халқум яллиғланганда тухумни хомлиғича ичиш лозим.

...

Тананинг бирор жойи бехосдан куйиб қолса, тухумнинг аввал оқини, сўнг сариғини ўша жойга тез-тез суртиб туриш зарур.

...

Болаларда қичима экзема (гуш) пайдо бўлганда битта хом тухум оқини 1 ошқошиқ асал билан аралаштириб, суртинг, сўнг бир қават дока билан боғлаб қўйинг. Кун бўйи шундай юрилгач, ухлашдан олдин докани ечиб, ярани секин артинг. Эртасига худди шу муолажа такрорланади.

...

Гайморитни даволаш учун 1 дона тухум 10 дақиқа давомида қайнатилади. Тухум пишиб бўлгач, пўстини арчмасдан туриб, пичоқ билан иккига бўлинади. Чойқошиқ билан сариғи ажратиб олингач, ўрни асал билан тўлдирилади. Очиқ томонини юқорига қаратиб, қўйилади. Тухум совутгач, эриган асални кунига 5 маҳал 2 томчидан ҳар бир бурун катагига томизилади. Муолажа давомида 3 дона тухум керак бўлади. Ушбу муолажани бир йилда икки мартаба бажариш мумкин.

Паррандачилик сирлари

Тухум оқи оғир давом этган касалликдан сўнг соғайган беморларнинг куч-қувватини ҳам тиклайди.

Бронхитни даволашда бир дона тухум 1 ошқошиқ эритилган сариёғ ва асал, 0,5 литр илиқ сут билан яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашма эрталаб оч қоринга ичилади ва тушгача ҳеч нарса ейилмайди. Даволаш муддати бир ой.

Гриппни даволашда 100 грамм арокча бир дона тухум қўшиб, кўпиртирилади. Сўнг бир ошқошиқ шакар қўшиб, яна кўпиртирилади. Бу аралашма кечқурун ичилади.

Жигар оғриганда икки дона тухум сариғини кўпиртириб енг. 5 дақиқадан кейин бир стакан илиқ сув ичинг. Сўнг жигарингизга грелка қўйиб, ўнг ёнбошингиз билан иссиқ кўрпага ўралиб ётинг. Икки соатдан сўнг туриш мумкин.

Сурункали мигренда янги хом тухум устига қайноқ сут қуйинг-да, тез аралаштириб ичиб

юборинг. Бу аралашмани уч кун давомида кунига бир мартадан ичсангиз, кифоя.

Климакс даврида ва кўп қон кетганда 1/2 чойқошиқ лимон кислотасини 6 дона тухум сариги билан аралаштиринг-да, ичинг. Зарурат туғилганда ушбу муолажани яна қайтариш мумкин.

Тухум пўчоғи ҳам шифо

Тухум пўчоғи ҳам фойдали. Тухум пўчоғини истеъмол қилиш учун тухум тозалаб ювилади, яхши қайнаб пишганидан сўнг арчилади, пўчоқдаги юпқа пардаси олиб ташланади. Пўчоқ қуритилади ва туйилади. Шу қадар обдон туйиладики, у майда кукун эмас, балки упадай бўлиб кетади.

Катталарга 1 чойқошиқ, болаларга 3/1 чойқошиқда лимон сувига аралаштириб берилади. Лимон янги бўлиши керак. Лимон суви кимёвий реакцияга сабаб бўлади. Натижада тухум пўчоғидаги моддалар аъзои танага яхши сингади.

Тухум пўчоғи кукуни болалардаги аллергия диатез (организмнинг турли касалликларга мойиллиги)ни, катта ёшдаги кишилардаги сурункали бронхит ва бронхиал астмани даволашда яхши фойда беради. Даволаш учун 45 дона тухум пўчоғи керак бўлади. Ҳар гал 5-6 дона тухумдан тайёрланади. Муолажанинг бу усули анча самарали бўлиб, мутлақо безарар.

Битиши қийин бўлган ярани даволаш учун тухум пўчоғи кукуни ажойиб малҳам бўла олади. Тухум кукуни 1 граммдан ичилса, яраларнинг битиши тезлашади.

Эндигина тухумини ёриб чиққан жўжадан бўшаган тухум пўстлоғи кукун ҳолига келтирилади. Унга узум мусалласи қўшиб, кунига 4 мг.дан уч маҳал ичилади. Бу малҳам буйрақдаги тош безовта қилганда даво бўлади.

Катталардаги кальцийга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун бир кунда бир грамм туйилган тухум пўчоғи ейиш кифоя. Бир ёшга тўлмаган болаларга берилса, уларда учрайдиган камқонлик, рахитнинг олди олинади.

Туйилган тухум пўстини творог ёки бўтқага 1,5-3 граммдан қўшиб бериш мумкин. Бунинг учун хом тухумнинг пўчоридан фойдаланган маъқул. Пиширилган тухумнинг пўчорида кальций миқдори анча камаяди.

...

Аллергияни даволашда 10 та яхшилаб ювилган хом тухум пўчоғини ёриб, ички пардасидан ажратилади, қуригилади, кукун ҳолига келгунича тўйилади, устидан 10 дона лимон суви қўйилади, 10 кун қоронғу жойда сақланади. Тайёр аралашма докадан ўтказилади. Сўнг 10 қошиқ шакар қўшилади, 10 дона тухум сариги қошиқ билан кўпиртирилади. Бу аралашмага бир бутилка коньяк қўшилади. Тайёр аралашмадан 30 мг.дан кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин ичилади.

...

Климакс даврида 10 дона лимон пўсти билан майда тўғралади. Сувда пиширилган 5 дона тухумнинг пўсти пардасидан ажратиб олиниб, талқон ҳолига келгунича тўйилади. Сўнг лимон билан аралаштирилиб, тухумнинг пўсти эригунча 7-10 кун туриши керак. У бир ой давомида кунига 3 маҳал 2 ошқошиқдан ичилади.

ПАРРАНДА ГҶШТИ

Товуқ гўштида 7,5% дан 13% гача ёр, 20% дан 24% гача оксил моддаси бўлади. Товуқ гўшtidан турли овқатлар, иссиқ ва яхна газаклар тайёрланади, шунингдек, товуқ гўшти турли салатлар тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Паррандалардан тайёрланган таомлар осон ҳазм бўлади. Уларнинг гўшти қўй ва мол

Паррандачилик сирлари

гўштига нисбатан анча юмшоқ, ҳазм бўлиши энгил, унинг таркибида бириктирувчи тўқима кам бўлиб, тўйимли оксил моддаси кўп бўлади. Парҳез хусусиятлари бўйича курка ва товук гўшти алоҳида қимматга эга. Курка ва товукларнинг оч гўштида оксил моддаси 22-24%, тўқ гўштида 20-23% гача бўлади. Мол ва қўй ёғига нисбатан уй паррандаларининг ёғи анча паст ҳароратда эрийди. Ёғ тўқималари асосан кўкрак, қорин, орқа қисмининг тери остида, шунингдек, ичак, ошқозонда жойлашган бўлади.

Товуқнинг ёши терисининг ранги ва оёқларининг кўринишига қараб аниқланади. Ёш товукнинг териси оппок, нафис бўлиб, пайлари яққол (айниқса, қанотлари остида) кўриниб туради. Оёқлари майда тангачалар билан қопланган. Қари товукнинг териси одатда дағал, сарғиш тусда бўлади. Оёқлари қаттиқ ва дағал, йирик оҳаксимон тангалар билан қопланган бўлади. Хўрознинг ёшини пихининг катта-кичиклигига қараб аниқлаш мумкин, ёш хўрозда (6 ойгача) пихи ўрнида юмшоқ, кичикроқ бўртмача бўлади, катталарининг пихлари йирик, суякка айлана бошлаган (2 см. ва ундан каттароқ) бўлади. Товук ва хўроз ёшини кўкрак суягининг учидан ҳам билиш мумкин: қари парранданики суякка айланган бўлиб, деярли қайрилмайди, ёш парранданики эса эластик ва эгилувчан бўлади.

Бульон тайёрлаш учун ўрта ёшдаги товук ишлатилгани маъқул, лекин ўртача

семизликдаги қари товуқ бўлмаслиги керак. Жўжа ва қари товуқ шўрваси унчалик тиниқ ва хушбўй бўлмайди.

Қовуриш учун унча қари бўлмаган, ўртача семизликдаги товуқ ёки хўрознинг гўшти ишлатилади.

Яхна салатлар, шунингдек, салатларга қўшиш учун ҳар қандай ёш ва семизликдаги товуқлар бўлаверади.

...

Товуқ (шунингдек, қуён ва балиқ) гўшти ҳамда тухум қувватлантирувчи ва қон ишлаб чиқаришни меъёрлаштирувчи маҳсулотлардир. Улар, асосан, тушлик ва кечки овқатда истеъмол қилинади. Ҳар куни битта тухум истеъмол қилиш саломатликка жуда фойдали. Чунки тухум осон ҳазм бўлади ва кўзни равшанлаштиради.

Кексайганда суяклар мўртлашиб, қон ишлаб чиқариш сусаймаслиги учун гўшт маҳсулотлари, айниқса, балиқ ва товуқ гўштини ейиш фойдали.

...

Жигарранг тухум пўстида холестерин кам бўлгани учун у фойдалироқ ҳисобланади. Шуни унутмангки, тухум пўстида сальмонелла микроблари бўлиши мумкин. Шунинг учун тухумни ишлатишдан олдин оқиб турган сувда яхшилаб ювиб ташлаш керак. Музлаткичда турган тухум икки ҳафтагача шифобахш хусусиятларини сақлайди. Шуни

Паррандачилик сирлари

унутмангки, бир кунда уч дондан ортиқ тухум ейиш соғлик учун зарарли.

Хом тухум сариги кўп ейилса, ошқозонга оғирлик қилади. У буйракда тош пайдо бўлишига сабаб бўлади, шунингдек, терида турли доғлар пайдо қилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Т.Х.Икромов. "Чорвачилик". Тошкент, "Меҳнат", 1985.
2. Юрий Харчук. "Разведение домашней птицы на ферме и приусадебном участке". Феникс, 2007.
3. И.И. Кочиш, М.Г. Петраш, С.Б. Смирнов. "Птицеводство". Москва, "КолосС", 2004.
4. М.Т. Эстерман. "Куры, гусы, утки". Москва, "Астрель", 2003.
5. Интернет маълумотлари.
6. Матбуот саҳифалари.

МУНДАРИЖА:

Сўзбоши	3
Умумий маълумотлар	4
Паррандаларнинг биологик хусусияти	4
Паррандаларнинг классификацияси ва турлари	8
Парранда зотлари	13
Товуқ зотлари	13
Ўрдақ зотлари	19
Ғоз зотлари	23
Курка зотлари	27
Инкубация	29
Уй шароитида тайёрланадиган инкубаторлар	31
Инкубаторда очилган жўжаларни парваришлаш	34
Паррандаларни парваришлаш	35
Овқат ҳазм қилиш тизими	35
Озуқа рационаи	36
Бройлер жўжалар парвариши	44

Касалликлар: тавсифи, даволаш ва профилактика	46
Дезинфекция	46
Дезинсекция	47
Дератизация	48
Гигиена	48
Парранда касалликлари	49
Парранда гриппи	49
Тиф	51
Пастереллез	52
Пуллороз	53
Колибактериоз (колисептицемия)	54
Чечак дифтерити	56
Ньюкасл	58
Марек	60
Аскаридоз	60
Туберкулез (сил)	61
Витамин ва минераллар тақчиллиги билан боғлиқ касалликлар	62
Кальций, фосфор	62
Марганец	63
Натрий хлор	64
Рух	65
Авитаминозлар	65

Тухумнинг... ушланиб қолиниши	72
Заҳарланиш	72
Иссиқлик зарби	74
Паррандаларни асраш	76
Паррандаларни озиклантириш	77
Паррандачиликда ветеринария муолажалари	78
Тухум	80
Парранда гушти	91